



25
(1447)-son
24-iyul
2020

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ҲАЁТИЙ МУҲИМ ВАЗИФА

Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда коронавирус инфекцияси тарқалишини камайтириш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди **2-бет**

ТОШКЕНТ "РАҚАМЛИ" БЎЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг "Рақамли Тошкент" комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. **3-бет**

НАДАСТР

В сферу кадастра будут внедрены цифровые технологии **6-бет**

COVID диссидентлар қимлар?


Еки яширин фикрлар эпидемияси хавфи **9-бет**

СМАРТФОНЛАР

Samsungning энг зўр батареяли ва арзон смартфонни ҳақидаги тафсилотлар интернетга чиқиш кетди **12-бет**

НУҚТАИ НАЗАР

Мен касбимдан нимани хоҳлайман? **15-бет**



IT-ПАРК ОЧИЛГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

2020 йилнинг 24 июл куни, 14:00дан 18:00га қадар Ўзбекистондаги илк IT-Парк очилганига бир йил тўлиши муносабати билан "IT Park Rewind" онлайн марафони ўтказилади.

Ушбу ажойиб кунда бошланган тарих ҳозирги кунда ҳам янги билим ва тажриба қадамларини қўйган ҳолда давом этмоқда. Очилиш маросимидан буён ўтган бир йил давомида амалга оширилган самарали ишлардан сўнг IT-Парк Ўзбекистонда IT соҳасини оммалаштиришга ва ривожлантиришга ёрдам берган ҳолда катта ютуқларга эриша олди.

ТАЪЛИМ ВА АКТ

Муҳитнинг ўзи тарбиялайди

ИНҲА университети проректори Турдимурод ТУРСУНМУРОДОВ билан суҳбат



Хеч кимга сир эмаски, бугун сифатли таълим олиш осон эмас. Устига-устак, ҳамма ҳам ёниб-чақнаб илм оламан деган истакни билдиравермайди. Ҳаётга энгил қараб, қийналишни хоҳламай, эртасини ўйламайдиганлар эса ҳамон "Бир амаллаб бирорта олийгоҳга илиниб, битириб олсам бўлгани" деган фикрда юргани аниқ... Лекин у замонлар ўтди. Барчамиз орзу қиладиган буюк келажак ўқиган, изланувчан, замонавий билимларни яхши ўзлаштирган ёшлар қўлига топширилишини унутманг!

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва сифатли таълимни кафолатлайдиган Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети проректори, сиёсий фанлар доктори Турдимурод Турсунмуродов билан бўлган суҳбатимиз айнан сизу бизни қизиқтирган мавзуда кечди.

Россия ОТМларида таҳсил олаётган хорижий талабалар

(жами 278 минг нафар)

Ўзбекистонликлар Россияда олий маълумот олаётган хорижий талабаларнинг 13,3 фоизини ташкил этмоқда.

1. Қозоғистон — 33,5 фоиз
2. Туркманистон — 14 фоиз
3. Ўзбекистон — 13,3 фоиз
4. Тонжикистон — 10 фоиз
5. Украина — 9,3 фоиз.



2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
umagacha

ҲАЁТИЙ МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда коронавирус инфекцияси тарқалишини камайтириш ҳамда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимиз, халқимиз жорий йил бошида ўз олдига катта мақсадлар қўйган эди. Бутун дунёга тарқалган коронавирус инфекцияси март ойида юртимизга кириб келдию режалар ўзгариб кетди. Давлатимиз биринчи навбатда одамлар соғлигини сақлаш чораларини кўрди.

Республика махсус комиссияси тузилди. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимида ўтказилди. Қисқа муддатда махсус шифохона ва карантин зоналари қурилди. Сихаттоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

Шу сертлаш беш ойда Президентимиз коронавирус билан боғлиқ қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Уларга мувофиқ, аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари имкон даражасида қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбари эпидемиологик ҳолатни жиддий назоратга олган. Деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага эътибор қаратилмоқда. Маълумки, аввалроқ пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида коронавирус билан боғлиқ вазият ҳар томонлама таҳлил қилинган эди. Бу галги видеоселектор йиғилишида барча ҳудудлардаги аҳвол, долзарб чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳоким-

лари касаллик кўрсаткичлари, даволанаётганлар сони ва бу борада яратилган захира ўринлари бўйича ҳисобот берди. Аҳоли муурожаатлари, шошилинч тиббий ёрдам машиналари, дори-дармон таъминоти бўйича ҳолат таҳлил қилинди.

Йиғилишда жойлардаги муаммолар очиқ муҳокама қилинди. Коронавирусга қарши курашиш учун қайси ҳудудга қандай техника ва воситалар кераклиги белгиланди.

Президент мутасаддиларга вазиятнинг ҳақиқий ҳолатини реал вақт режимида назорат қилиб, юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиб бориш бўйича қатъий топшириқ берди.

Даволаш ишларини сифатли ва хавфсиз ташкил этиш, шу билан бирга, аҳоли ва объектларни дезинфекция воситалари билан таъминлаб, касаллик юқишининг олдини олиш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳар бир ҳудуд эҳтиёждан келиб чиқиб, етарлича дори-дармон, тиббий буюмлар ва тест тизимлари билан таъминлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш манбалари белгиланди.

Шунингдек, видеоселекторда ҳудудлар раҳбарлари пандемия шароитида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, инвестиция жалб қилиш ва экспорт ҳажми ошириш борасидаги 6 ойлик якунлари бўйича ҳам ҳисобот бердилар.

Кескин суръатларда давом этаётган пандемиянинг иқтисодиётга кўрсатаётган

таъсирини аввалдан баҳолаш ва мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, sanoat ва қурилиш соҳасидаги прогнозларни бажариш, экспортни кўпайтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуддаги корхоналарда пул тушумлари камайганини қайд этиб, 2020 йил 1 октябрга қадар тижорат банклари билан бирга қурилиш ва sanoat корхоналарининг аксар қисмини, йил якунигача эса 100 фоиз корхоналарнинг фаолиятини тиклаш бўйича топшириқ берди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор ҳудудларда иқтисодий прогнозлар бажарилмаганини кўриш мумкин. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати прогнозга нисбатан 59 миллиард сўмга кам бўлган. Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 177 миллиард, Сирдарё вилоятида 173 миллиард, Тошкент вилоятида 129 миллиард сўми ташкил қилади.

Шавкат Мирзиёев ҳар бир ҳудудда такрорий майдонлар ҳисобига сабаб кам бўлган. Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 177 миллиард, Сирдарё вилоятида 173 миллиард, Тошкент вилоятида 129 миллиард сўми ташкил қилади. Шавкат Мирзиёев ҳар бир ҳудудда такрорий майдонлар ҳисобига сабаб кам бўлган. Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 177 миллиард, Сирдарё вилоятида 173 миллиард, Тошкент вилоятида 129 миллиард сўми ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 июл кунини ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги ҳафтанинг биринчи иш кунини - 20 июлнинг эрта тонгидан мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларнинг чуқур танқидий таҳлилини бошлади. Хусусан, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида пандемия билан боғлиқ ҳолат ҳамда уни барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари раислигидаги видеоселектор йиғилишида кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 20 июл кунини архитектура ва қурилиш соҳасидаги ислохотлар натижаларига оид тақдирот билан таниди. Президентимиз соҳада коррупция ва "хуфёна иқтисодиёт" ҳолатларини кескин танқид қилиб, қурилиш тендерларини ўтказиш ва пудрат ташкилотларини танлаш жараёнини рақамлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 21 июл кунини ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари кадастр идораларининг энг асосий вазифаси ернинг ҳисоби ва балансини юритиш бўлиши кераклигини қайд этди. Йил якунигача қадар ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчиси ҳақидаги маълумотлар жамланган ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди. Энди ер ажратиш тўғрисидаги қарор мазкур тизимга киритилсагина ҳақиқий ҳисобланади.

2020 йил 21 июл кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси томонидан "БМТнинг 75 йиллиги: келажакка назар" номли онлайн халқаро форуми доирасида маданият, соғлиқни сақлаш ва меҳнат масалаларига бағишланган "Барқарор ривожланиш мақсадлари ва барқарор ижтимоий ривожланиш: COVID-19 асоратидан самарали тикланиш" мавзусидаги иккинчи глобал мунозаралар туркуми ўтказилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон эълон қилинди.

➤ ФАРМОН

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАРГА БИР ҚАТОР ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ

"Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар:

■ умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан озод этилади;

■ жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи тўлашдан озод этилади;

■ мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;

■ ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш мақсадида, шу жумладан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини иноватга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Тадбиркорларга кўчма савдо қилиш ҳуқуқи берилади

2020 йил 1 июлдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ходимларнинг йиллик ўртача сони 25 нафардан 50 нафарга оширилади.

2021 йил 1 июлга қадар умумий овқатланиш корхоналари карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб Ҳукумат томонидан ўрнатилган талабларга риоя қилган ҳолда ҳамда ҳокимликларни хабардор қилиш орқали ўзларига туташ бўш ер узастқаларида енгил конструкцияларни бепул жойлаштириш ва қуриш ҳуқуқига эга бўлади.

2021 йил 1 июлга қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб тадбиркорларга ҳокимият органлари билан шартнома тузмасдан солиқ органларини хабардор қилиш орқали автодўкон, автомагазин, автотиркама, автоцистерна ва фудтраклар орқали савдо қилиш ҳуқуқи берилади.



Давлат солиқ қўмитаси ўзининг расмий сайти ва мобил иловалар орқали кўчма савдони бошлаш тўғрисида электрон хабарномаларни бепул қабул қилишни таъминлаш белгиланди.

Берилган солиқ имтиёзлари узайтирилади

2020 йилда Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини 5 кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирилган учун жазима солинимайди.

Президентнинг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сон фармонида белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилади.



ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЛОЙИХАЛАР

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида давлат ташкилотларининг электрон ҳукумат соҳасида амалга ошираётган лойиҳалари ҳусусида онлайн йиғилиш ўтказилди. Унда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари О. Пекос иштирок этди.

Онлайн йиғилишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги ва Давлат хизматлари агентликларининг лойиҳалари муҳокама қилинди ҳамда амалга оширилаётган ишлар юзасидан масъул ходимларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига қаратилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контактсиз алоқа шакллари янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишлаб чиқилди. Бугунги кунда портал орқали 176тадан ортиқ электрон давлат хизмати тақдим этилмоқда.

Йиғилиш давомида талаб юқори бўлган давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш бўйича ишларни жадаллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Хусусан, мазкур қарор доирасида 2020-2021 йилларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам олиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган интеграциялашган “Тадбиркор” ахборот тизимини жорий этиш, “Нотариус” комплекс ахборот тизими сервер қурилмаларини модернизация қилиш ва дастурий таъминотини такомиллаштириш, “Саноат мулки муҳофазаси портали”ни яратиш ва бошқа тегишли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ишларни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

“ХАВФСИЗ ШАҲАР” — АКТга АСОСЛАНГАН ОСОЙИШТА ҲАЁТ!

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 августдаги қарори билан 2019-2023 йилларда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини бошқичма-бошқич республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш белгиланган.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш бўйича бошқичма-бошқич чора-тадбирлар ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида” 2018 йил 7 майдаги 343-сон қарорига мувофиқ “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг техник ҳужжатлари (Концепция, Бош техник топшириқ, Техник иқтисодий ҳисоб) Халқаро консалтинг компанияси (“PWC”) экспертлар гуруҳи билан биргаликда тегишли идоралар ва вазирликлар иштирокида ишлаб чиқилди.

Биринчи бошқича 2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг ягона технологик платформасини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу асосда Тошкент шаҳридаги барча қисқа рақамли тезкор навбатчилик — 101, 102, 103, 104, 1050, 1055 хизматлари Ягона вазиятлар марказига жамланади ҳамда умумий “112” навбатчилик хизмати доирасида фаолияти ташкил

этилади. Бунинг натижасида, фавкулдада вазиятлар хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизми жорий этилади. Тошкент шаҳрида “112” Ягона диспетчерлик хизматини жорий этиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилди.



Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси бўйича 11,328 млн. еврога шартнома имзоланиб, 2020 йил 1 июл ҳолатига 4,1 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Мазкур лойиҳа доирасида Тошкент вилояти ҳамда Фарғона водийсида 19та Nexia-3 русумли автотранспортга мобил комплекс ускуналари ўрнатилиб, ишга туширилган.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида “Хавфсиз шаҳар” пилот лойиҳаси доирасида жами 142та ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли гавжум жойларда жами 898дона интеллектуал видеокузатув тизими қурилмалари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Тошкент шаҳрида “Хавфсиз шаҳар” тизимини жорий этиш лойиҳаси бўйича бир нечта компанияларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги қондалари бузилишини фото-видео қайд этиш бўйича берган тақлифлари ва техник ечимларидан ҳамкор компанияни танлаб олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Чорвоқ” эркин туристик зонасида “Хавфсиз туризм” лойиҳасини амалга ошириш бўйича 146та ижтимоий объектларга 500дан ортиқ видеокузатув камераси, радар ва ноқонуний автотураргоҳни аниқлаш ускуналари ҳамда асосий чорраҳаларда фото-видео қайд этиш қурилмаларини ўрнатиш юзасидан лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонасида оптик талали алоқа линияларини қуриш, видеокузатув тизими қурилмаларини монтаж қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини фото-видео қайд этиш тизими қурилмаларини етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

КОМПЛЕКС ДАСТУР

ТОШКЕНТ “РАҚАМЛИ” БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ҳаёт сифатининг барқарор яхшиланишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва “рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қарор билан “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисида Низом, “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими орқали давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш схемаси, “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлилий тизимини

жорий этиш режа жадвали ҳам тасдиқланди.

Қарор асосида, Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид кўрсаткичларини тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳар томонлама баҳолаш, муаммоларни ҳал қилиш қиёсий баҳолаш, тенденциялар, стратегиялар, прогнозлар, воқеа-ҳодисаларни ривожланишига оид дастур ва режаларни аниқлаш, жамоат хавфсизлиги ва фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида масъул раҳбарларга ахборот-таҳлилий қўмаклашиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа ахборот манбаларини интеграциялаш каби муҳим натижаларга эришиш кўзда тутилган.

“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлилий тизимини жорий этиш режа жадвали асосида 41та банддан иборат чора-тадбир амалга оширилади.

МУЎТИНИНГ



ИНҲА
университети
проректори
Турдимурод
ТУРСУНМУРОДОВ
билан суҳбат



Талабалар ўртасидаги рақобат, яратилган шароит, ўқишга кириш жараёнида таъсисчилар томонидан тақдим этилувчи имтиёзлар ёки ҳар ярим йилликда янги имтиҳонларни топширган талабанинг университет ёки факултет миқёсида эришган ютуқларига қараб кучли 10таликка, кучли 5таликка киритилса, кейинги семестрда тўлов (контракт) пулидан озод қилиниши, буларнинг бари ўз-ўзидан талабани университетнинг рақобатли шароитига мослашишига тўртки бўлади.

– Турдимурод Маҳаматқулович, нима деб ўйлайсиз, бир неча йиллардан бери фаолият олиб бораётган Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети бугунга келиб Ўзбекистонда ўз ўрнини топдими?

– Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети 2014 йилда ташкил топган бўлиб, иккита йўналишда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича фаолият олиб боради: “Компьютер ва дастурий инжиниринг” ҳамда “Логистика”.

Ўтган давр мобайнида олийгоҳда катта ўзгаришлар бўлди. Бошида талабаларимиз сони 400-450 нафар бўлса, ҳозирда 1500дан ошган. Илк битирувчиларимиз диплом олгач, ўз билимлари ва университетда ҳосил қилган кўникмаларини реал ҳаётга татбиқ этиб, бугуннинг талабаларига тўла жавоб беришларини кўрсатди. Яъни, ўқув дастурларимизнинг доимий янгилалини, қолаверса, профессор ўқитувчилар ҳамда талабаларга қўйилаётган талаблар ҳозирги замон компаниялари эҳтиёж билдираётган янги давр мутахассисларига ҳар томонлама мос тушяпти. Айни пайтда битирувчиларимизнинг тахминан 80-85 фоизи ўз соҳаси бўйича ишламоқда.

Охириги йилларда ҳукуватимиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳар хил математик моделлар асосида дастурлар яратиш орқали давлат бошқаруви ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммоларини ҳал этувчи лойиҳаларга эътиборни кучайтирди. Жумладан, IT-Паркларнинг очилиши бу борада муҳим аҳамият касб этади ва бизнинг талабалар ҳамда битирувчилар учун жуда катта имкониятлар эшигини очди. Лекин шунга яраша рақобат ҳам шаклланапти. Яъни бир томондан компаниялар катта-катта талаблар қўймоқда. Иккинчи тарафдан аввал юртимизда фақат

ИНҲА ёки Тошкент ахборот технологиялари университетлари бўлган бўлса, бугунга келиб Ҳиндистоннинг Амита университети, Исроил ва Ўзбекистон Миллий университетининг биргаликда йўлга қўйган қўшма лойиҳаси асосида фаолият олиб бораётган факултет ва бошқа қатор хорижий университетлар филиаллари катта рақобат муҳитини яратмоқда. Мана шундай рақобатбардош вазиятда битирувчиларга иш берувчилар муносабатидан келиб чиқиб, ишонч билан айта оламани, ИНҲА университети мамлакатимизда ўз ўрнини топди.

– Сизнингча, талабалар университетга мослашди ёки университет талабаларга?

– Менинг фикримча, талабаларимиз университетга мослашди. Бу нарса университетга кирган талабаларимизнинг вақт ўтиши билан рақобатбардош ва шаффоф муҳитга кўникишида намоён бўлади. Улар бу муҳитда фақат ўзларининг тинимсиз меҳнати ва ҳаракатлари билангина яхши натижаларга эришиши мумкинлигини тушуниб, дарсларга жиддий ёндашувларсиз, ҳар хил енгил-елли қараш, ўз билимига таянмай шпаргалкаларга ишониш каби иллатлардан тезда воз кечишади. Бунинг сабаби университетимизда талаб жуда қатъий, агар талаба ўз устида ишламас, ўқимаса, диплом олиш у ёқда турсин, ҳатто, ўқишни ўз муддатидан бир неча йиллар ўтиб ҳам тугата олмамлиги аниқ.

Қолаверса, талабалар ўртасидаги рақобат, яратилган шароит, ўқишга кириш жараёнида таъсисчилар томонидан тақдим этилувчи имтиёзлар ёки ҳар ярим йилликда имтиҳонларни топширган талабанинг университет ёки факултет миқёсида эришган ютуқларига қараб кучли 10таликка, кучли 5таликка киритилса, кейинги семестрда тўлов (контракт) пулидан озод қилиниши, буларнинг бари ўз-ўзидан талабани университетнинг рақобатли шароитига мослашишига тўртки бўлади. Бундан ташқари, муҳит ҳам катта рол ўйнайди. Атрофингда ўқишга қизиқиши кучли ёшларнинг бўлиши яхшигина мотивациядир. Устига-устак, туну кун ўқиган талаба кимнингдир ундан кўчиришига асло бефарқ қарамайди. Хуллас, муҳитнинг ўзи зўр тарбиячидир. Шунингдек, назорат ҳам кучли, ҳамма жойга кузатув камералари ўрнатилган, улар орқали барча жараёнлар ўрганиб турилади. Ўқитувчилар ҳам ўз талабидан келиб чиқиб иш юритишади. Шунга қарамай бизда талабалар учун анча эркинлик бор. Қайси маънодаки, ўқув жараёнида танлов имкониятлари берилди. Яна профессор ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги муносабат самимийликка асосланган. Назаримда, бундай муҳит кўпчиликка ёқди. Аммо университет раҳбарияти, кураторлар ёки профессорлар талабаларининг бу эркин муҳитда ўз масъулиятларини ҳам унутмаслигига алоҳида эътибор қаратишади. Масалан, бирорта фандан 25 фоизгача дарсларни сабабсиз қолдирган талабанинг шу фанни ўқимаган деб қабул қилиниши

ёки тартиб-қоидаларни бузса, шунга яраша чоралар кўрилиши кабилар. Буларнинг ҳаммаси университетимизда тартибли ва чиройли муҳит келиб чиқишига замин яратади.

– Бугунги кунда университетлардаги таълим сифати ҳақида кўп гапирляпти. Сиз фаолият олиб бораётган олийгоҳда педагоглар жамоаси қандай шакллантирилган ва улар қанчалик қадрланади?

– Жуда ўринли савол. Чунки бутун дунёда университет рейтинг, ўқиш жараёнининг сифати ва натижасини профессор ўқитувчилар салоҳияти белгилаб беради. Кўпчиликка маълум, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг ўқишга қабул қилиш, имтиҳонлар, хуллас, барча ўқув жараёнлари Жанубий Кореядаги ИНҲА университети ўқув дастурлари асосида ташкил этилган. Профессорларимиз асосан Жанубий Корея, Буюк Британия, Италия, Болгария, Ҳиндистон, Покистон, Россиядан келиб ишлашади. Улар жиддий талаблар асосида Кореядаги махсус комиссия томонидан танлаб олинган. Ўқитувчиларимизнинг катта қисми, яъни 80 фоизи хориждан бўлиши билан бирга, ўзбекистонлик профессорлар ҳам фаолият олиб бормоқда. Бироқ улар ҳам Кореядаги ИНҲА университети томонидан қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берган ҳолда қабул қилинган.

Албатта, педагогларимизнинг савияси юқори эканига шубҳа йўқ. Шунга қарамай, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ҳар семестр охирида профессор ўқитувчиларимиз анъанавий равишда талабалар томонидан дарс бериш маҳорати, ўзини тутиши, маданияти, соҳаси бўйича билими нуқтаи назаридан тизимли баҳоланади. Рейтингда юқори ўринга чиққанларига албатта ўзгача хурмат кўрсатилади. Ўз навбатида, энг паст балл йиғиб қоладиганлар бўлса, уларга оғоҳлантириш хати берилди. Ёки кейинги йилдан контракт шартномасининг қўзилиши имконияти камаяди. Ҳатто, паст рейтингга тушиб кетганлари билан шартнома ни бекор қилиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Бизда профессор ўқитувчилар учун яратилган шароит аъло даражада десам адашмайман. Агар у ўз соҳаси бўйича кучли мутахассис бўлса, унга нисбатан юқори статус белгилаб қўйилган. Яъни, қарор қабул қилиш ёки ўз дарсини шакллантириш ишларига ҳеч ким аралашмайди. Шунингдек, йилда бир марта Жанубий Кореядан таълим сифатини баҳолаб кетадиган комиссия келиб ўқув жараёнига баҳо беришади.

– Энди янги ўқув йилидаги қабул жараёнлари, ажратилган квоталар ҳақида гаплашасан. Шунингдек, бу йил университет томонидан бирорта янгилик бўлиб қолармикан, деган илинжда юрган абитуриент ёки талабаларга имтиёзлар, шартлар, енгилликлар ҳақида бирор маълумот етказмоқчи бўлсангиз, марҳамат...

– Ўзи университетимизга ҳар йили

ЎЗИ ТАРБИЯЧИ

ажратаётган квотамизга нисбатан 4-5 баробар кўп мурожаат келиб тушади. Режага асосан компютер ва дастурий инжиниринг йўналишига – 300, логистика йўналишига – 120, жами – 420 нафар талаба қабул қилинади. Бугунги пандемия, яъни карантин шароити туфайли қабул жараёнлари, битирув ва кириш имтихонларимизнинг барчаси онлайн тарзда йўлга қўйилди.

Июн ойида биринчи имтихонимиз бўлиб ўтди. Берилган топшириқларни бажараётган абитуриентларни тегишли мутахассислар (50 нафардан иборат) Жанубий Кореядан туриб назорат қилишди. У ёқдан имтихон оладиган хонада ҳеч нарса бўлмастлиги ҳақида кўрсатма берилган. Шунингдек, натижалар ўрганиб чиқилиб, яхши жавоб берган абитуриентлар суҳбатдан ҳам ўтишди, яъни саволларга ҳақиқатан ўзлари жавоб берганига яна бир бор амин бўлиш учун. Энди бу ўринда абитуриентнинг кимдандир ёрдам олиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки битта ноқўя ҳаракат қилинса, бола автоматик тарзда имтихондан чиқариб юборилади...

Биринчи имтихоннинг натижалари ҳам чиқди. Университет томонидан берилувчи иккинчи имкониятни эса яхши бир шароит, энгиллик десак ҳам бўлади. Яъни, олдинда яна бир имтихонимиз бор. Мабоодо кимдир биринчи имтихонда айрим сабабларга кўра ёки беҳабар қолиб қатнашолмаган бўлса, 21 июлда бу имкониятдан фойдаланиши мумкин. Иккинчи имтихонда кўпроқ ўз кучига ишонган ва юқори натижа кўрсатса, таъсисчилар томонидан ажратилган грант асосида ўқиш имконияти учун ҳаракат қиладиган абитуриентлар қатнашади. Энг яхши натижага эришган абитуриентларга таъсисчилар томонидан 4 йиллик контракт пули тўлаб берилади. Фақат кейинчалик ўша компанияда 5 йил давомида ишлаб бериш шарти билан албатта.

Университетимизда илк очилган йилдан бошлаб ҳеч қанақа имтиёзлар йўқ, Кореядаги ҳамкорларимиз "Агар бола халқаро олимпиадаларда биринчи ўринни олиб келган ва билими зўр бўлса, демак, имтихон саволларини ярим соатда ишлаб чиқа олади, бу борада унда муаммо йўқ-ку?", деган саволни қўйишади. Шу нуқтага назардан олиб қараганда, олимпиадалар, яна бошқа танлов ва ҳарбий хизматдан берилган тавсияномалар боланинг портфолиси учун яхши, яъни келажакда яхши иш жойларда ишлаш имкониятини оширади. Бироқ бизда кириш имтихонлари ҳамма учун бир хил.

– ИНҲА университети ўз талабалари ва битирувчиларига нималарни ваъда қилади? Масалан, сифатли билим, ташвир мутахассислик, даромадли иш, хорижда ўқишни давом эттириш деганларидек?..

– Бугунги глобал жараёнларга қараб шуни айтиш мумкинки, ҳозир ҳар қандай компания ва ташкилотга ишга киришда қаерда ўқиганиндан кўра, қўлингдан нима иш келиши, қанчалик интеллектуал салоҳиятга эгаллигинг муҳимроқ, Оқдиди бир мисол,

қайсидир иш берувчи ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириши керак бўлиб қолди, бир ёш йигит ёки қизимиз бунга аъло даражада уддаласа, ўша корхона хўжайини ундан қаерда ўқиганини сўраган тақдирда ҳам, аввало, вазифани қай даражада мукамал уддалаганига эътибор қаратади, тўғрими? Бу билан диплом керакисиз демокчи эмасман. Университет назарий билим билан амалий кўникмани биргаликда олиб борсагина, талаба ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишади. Айнан шуни инобатга олиб, талабаларимиз 2-3-босқичдан оқиб келажакда ўз йўлларида топши ҳаракатини бошлаб юборишади. Ушбу масала ечимини сифатида катта-катта компаниялар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйганмиз ва бунга жиддий эътибор қаратамиз. Айтилик, турли банклар, ишлаб чиқариш корхоналари, IT-Парклар – буларнинг ҳаммаси болаларимизга билим билан бирга амалий кўникма ҳам беради.

Албатта, бу йўлда профессорларимиз берган чуқур билим ҳам ўта аҳамиятли. Улар талабаларни гуруҳли лойиҳаларда фаол иштирок этишга ундайди, йўл кўрсатади, ўргатади. Шунинг натижаси ўлароқ талабалар орасида кимдир мобил илова яратади, кимдир дастурлаш, яна бири логистика бўйича янги лойиҳаларга қўл уради. Хуллас, катта тажрибага эга тайёр мутахассис бўлиб етишиб чиқади.

Шу билан бирга, халқаро стандартлар билан ўлчанадиган диплом олади. Қолаверса, ўзига ишонч бўлган юқори даромадли ишлар тақлиф этилганда танлаш имкониятини қўлга киритади. Тилни аъло даражада билгани учун хорижда ўз соҳаси бўйича магистратура, аспирантурада ўқиш келиши мумкин.

– Университет олдидан турган асосий муаммолардан бири нима?

– Университетимизда таҳсил олаётган талабаларимизнинг қарийб 50 фоизи ҳудудлардан эканини инобатга оладиган бўлсак, бошқа қатор университетларда бўлгани каби биз учун ҳам ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири – бу ҳудудлардан келган талабаларимизга тураржой яратиб бериш.

Бугунги кунда университет томонидан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарлигида бу йўналишда тизимли ишлар олиб бориляпти.

Имкониятдан фойдаланиб, бу борада бизнинг қуйида ҳамкор олийгоҳлар, хусусан, Тошкент ахборот технологиялари, Кимё-технологиялари университети, яна Солиқ қўмитасининг малака ошириш марказларига ўз миннатдорлигимизни билдирмоқчиман. 2019-2020 ўқув йилида юқорида қайд этилган олий таълим муассасалари имкониятларидан фойдаланиб, ётоқхонага энг муҳтож талабаларимизни жой билан таъминладик. Тахминан 100га яқин талабаларимиз ўша ётоқхоналардаги

барча шароитлардан тўлақонли фойдаланган ҳолда яшашади.

– Сизнингча, онлайн таълим талабаларнинг билим олиш даражасига таъсир қилдими? Буни ўрганиш устида қандайдир қузатувлар олиб бориляптими?

– Бугунги пандемия шароити туфайли ўқув йилининг иккинчи ярми тўлиқ онлайн тартибда олиб борилди. Тан олиш керак, бошида ўзига яраша қийинчилик ва тушунмовчиликлар учради, лекин кейин ҳаммаси изига тушиб кетди. Масалан, мобил компаниялар билан боғланиб, талабаларга тегишли материалларни юклаб олишни бепул қилиб бердик. Хуллас, оператив тарзда тез ва сифатли боғланиш имкониятларини топдик. Натижада барча талабаларимиз 100 фоиз онлайн билимга қамраб олинди ва имтихонларни топширишди.

Албатта, масофадан билим бериш билан талабалар кўзига қараб ўқишнинг фарқи бор. Аммо шу ўринда мустақил ишлаш ҳам жуда муҳимлигини унутмаслигимиз керак. Мисол учун, талаба таълим дароҳиға келибми ёки онлайн билим оладими, агар ўз устида мустақил ишламас, нечта профессор дарс бермасин яхши натижага эришолмайди. Шундан келиб чиқиб, мустақил ишлашга ҳам эътиборни кучайтирдик. Бундан ташқари, ҳар бир гуруҳга супервайзерлар, яъни масъул ходимлар бириктирилди. Улар ўз гуруҳидаги ҳар бир талаба билан доимий мулоқотда бўлишади. Масалан, талабаларнинг қандай билим олаётгани, уларнинг шароитини сўраб-суриштириш, университет базасидан профессорлар қўйган маълумотларни олдими-йўқми ўрганиб боришади.

Яна яқинда университет раҳбарияти, яъни ректоримиз топшириғи билан махсус сўровнома тайёрладик. У орқали талабаларнинг онлайн билим олишдан қанчалик қониқётгани, қандай қийинчиликлар келиб чиқётгани, нима қилсак, уларга яна ҳам яхшироқ ёрдам берган бўламиз – шуларни билиб олмақчимиз. Чунки дунёдаги, қолаверса, мамлакатимиздаги ҳолат ҳали давом этгудек бўлса, биз ҳар қандай шароитга тайёр туришимиз керак. Шуларнинг ҳаммасини инобатга олган ҳолда сифатли билим бериш йўллариини ишлаб чиқамиз.

– Замонавий талабага мотивациядан ташқари нима керак? Яна жамиятда ўз ўрнини топиб, юртимиз равнақи йўлида хизмати қандай бўлаётган талабаларнинг борми?

– Биринчидан, ИНҲА университетида ўқишнинг ўзи талаба учун энг катта мотивация, назаримда. Чунки инновацион шароит, атрофидидаги ўқишга-ўрганишга чанқоқ ёшлар муҳити ҳар қандай одам дунёқарашини тубдан ўзгартиради. Бу кучли таълим муҳитига кимнингдир ёрдамига суяниш, бир-бирини мазаҳ қилиш, камситиш каби жиҳатлар мутлақо бегона. Яна талаба олдидан деярли тўсиқлар йўқ, У раҳбариятга бевосита

ёки бевосита мурожаат қилиши ёки профессорларга муаммоларини бемалол айтиши мумкин. Бу ўз навбатида талабаларнинг эркин фикрлашига олиб келади. Ушбу жараёнлар, айниқса, университетни тугатгандан кейин яққол сезилади. Битирувчиларимиз борган жойларида тез мулоқотга киришиб, ўзларига нисбатан ҳурматини, эришган ютуқларига берилган юқори баҳони кўришади.

Энди нафақат битирувчиларимиз, балки ҳозирда ўқиётган талабаларимиз ичидан ҳам катта-катта лойиҳаларни амалга ошириб, ҳамманинг эътиборига тушаётганлари бор. Яқинда "Ақли ниқоб"ни яратган болаимиз аини пайтда 4-босқич талабаси. У электрон чиплар ёрдамида ўпқадан чиқётган газ миқдори, ҳарорат ва йўталиш хусусиятларидан келиб чиқиб, беморларнинг эрта босқичларда коронавирусга чалинган-чалинмаганини олдиндан айтиб берувчи мосламани яратди. Бунга ўхшаш лойиҳалар жуда кўп. Шунингдек, айрим талабаларимиз глобал лойиҳалар устида, масалан, Google компанияларига бориб ишлашяпти. Бу ҳам катта мотивация, яъни дунёдаги ривожланган давлатларнинг етакчи университетларида бериладиган билимини Ўзбекистонда ҳам олиш мумкинлигини англаб етган ёшлар шу ерга келиб ўқишади.

– Келгусидаги режалар қандай? Масалан, қандайдир катта лойиҳаларга қўл уриляптими?

– Асосий режаларимиздан бири компютер ва дастурлаш инжиниринг бўйича магистратура йўналишини очиш. Бу борада ҳамкорларимиз билан келишувга эришганмиз ва тегишли ишлар олиб бораёلمиз. Шунингдек, мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш, иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб, янги йўналишларни очиш ҳаракатидамиз. Масалан, бизнесни бошқариш, электрон иқтисодиёт деганларидек. Бундан ташқари, ўтган йилдан университетда илмий мактаб яратиш ишларини бошладик. Агар магистратура йўналиши очилса, илмий иш қилишга катта имкониятлар бўлади, қолаверса, чет элдан келган профессорларимиз салоҳиятидан ҳам фойдаланамиз.

Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки, бугун мустақил Ўзбекистонимизда хориждаги катта салоҳиятга эга қатор олийгоҳлар Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетига ўхшаш ўз филиалларини очмоқда. Демак, бундай имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиши керак. Четга чиқмай, ўз юртимизда, ота-она бағрида ўтириб ҳам, жаҳондаги йирик компаниялар талабига жавоб берадиган мутахассис бўлиб етишиш мумкин. Албатта бунинг учун одам доимий ўз устида ишлаши зарур.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги息лоҳотлар, айниқса, халқаро университетларнинг очилиши яқин келажакда ўз мевасини беришга ҳамда катта-катта натижалар кўрсатишига ишонаман.

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди

В СФЕРУ КАДАСТРА БУДУТ ВНЕДРЕНА ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 июля провел совещание по вопросам обеспечения полного земельного учета и государственного кадастра, внедрения в сферу цифровых технологий.

Точный учет и эффективное использование земель весьма важны для многих сфер, таких как сельское хозяйство, предпринимательство, производство, строительство, геология. Во время своих поездок в регионы глава государства всегда уделяет этому вопросу особое внимание, подчеркивая, что каждая пядь земли должна принести пользу народу.

К сожалению, в сфере геодезии, картографии и кадастра накопилось множество проблем. В последний раз инвентаризация земель в нашей стране проводилась 40 лет назад. К примеру, все еще неясны административные границы 140 районов. Порядок выделения земель сельскохозяйственного назначения был принят 20 лет назад и не соответствует требованиям нынешних реформ. В результате в сфере усилились хищения и коррупция. Об этом свидетельствует и тот факт, что в 66 районах было привлечено к уголовной ответственности 122 сотрудника службы кадастра.

В связи с этим в системе начаты коренные реформы, важные вопросы которых обсуждены на сегодняшнем совещании.



Президент Шавкат Мирзиёев отметил, что главной задачей органов кадастра должно быть ведение учета и баланса земель. Поставлена задача запустить до конца года информационную систему, содержащую данные о типе, контурах, границах и пользователях земельных участков. Теперь решение о выделении земли действительно только в том случае, если оно включено в данную систему.

Поручено также арендовать каналы спутников и наладить систему обработки сигналов. Это будет способствовать анализу урожайности, мелиоративного состояния земель путем сравнения космических снимков, снятых в разные годы.

Отмечена необходимость цифровизации управления сельским хозяйством, ведения баланса и учета земель в Национальной геоинформационной системе начиная со следующе-

го года. Даны поручения по внедрению до конца года процедуры выделения земель сельскохозяйственного назначения на основе электронного конкурса и аукциона, оптимизации категорий земель с привлечением международных экспертов.

Предложено передать Министерству сельского хозяйства функции Госкомземгеодезикадастра по оценке качества почвы, развитию земель, размещению культур, а также Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии. Подчеркнута важность развития деятельности института и модернизации его лабораторий за счет 87 миллионов долларов, выделяемых Всемирным банком. Министерству сельского хозяйства было поручено подготовить к концу года анализ почвы и агротехнологические карты земель площадью 10 тысяч гектаров.

Еще одним недостатком в сфере является неполнота отдельных видов кадастров. Так, кадастр автомобильных дорог сформирован на 23 процента, объектов культурного наследия — на 32 процента, трубопроводов — на 32 процента, градостроительный кадастр — на 63 процента. В связи с этим советнику Премьер-министра по развитию IT-технологий Олимжону Умарову поручено создать рабочую группу и разработать полную базу кадастров.

ТЕЛЕМЕДИЦИНА

ПЕРВАЯ ИННОВАЦИОННАЯ КЛИНИКА ТЕЛЕМЕДИЦИНЫ ОТКРЫТА В НАШЕЙ СТРАНЕ

17 июля Министерство инновационного развития и Министерство здравоохранения в сотрудничестве с Республиканским специализированным научно-практическим медицинским центром педиатрии запустили первую в стране практику телемедицины.

Квалифицированные профессора и врачи РСНПМЦ Педиатрии провели дистанционное медицинское обследование детей в возрасте до 18 лет в Муйнакском районе. Во время медицинского осмотра дети были обследованы, им рекомендованы наиболее подходящие методы лечения. Дети, живущие в Муйнакском районе, одном из самых отдаленных районов страны, посетили современную инновационную телемедицинскую клинику, созданную в этом районе, и получили консультации от самых передовых врачей страны.

Настоящий инновационный центр телемедицины был создан Министерством инновационного развития в Муйнакском районе, одном из отдаленных регионов страны. Клиника построена на земельном участке, отведенном районной администрацией в сотрудничестве со Специальным отделом развития Муйнака Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, и оснащена всем необходимым оборудованием телемедицины в сотрудничестве с компанией AMD (США).

Основной задачей клиники является проведение в режиме реального времени (онлайн) медицинских осмотров и консультаций по терапевтическому лечению для жителей отдаленных регионов с квалифицированными врачами из центра



республики и специалистами медицинских учреждений из любой точки мира на примере Муйнака.

Впервые в Узбекистане врач может не только просматривать видео пациента в режиме реального времени, но и исследовать изменения его внутренних органов (ультразвук), кожи (дерматоскоп), ЛОР заболевания (отоскоп), сердечно-сосудистые заболевания (стетоскоп, тонометр, пульсоксиметр и ЭКГ), заболевания глаз (офтальмоскоп), можно диагностировать и лечить пациента с использованием тех же методов обследования, что и при обследовании пациента вживую. Пациенту из периферии не останется необходимости посещения столицы.

В перспективе планируется предоставлять населению качественные медицинские услуги путем создания таких инновационных клиник телемедицины в отдаленных районах всех регионов. Это послужит улучшению качества жизни наших людей, предоставлению медицинских услуг нашим соотечественникам, проживающим в отдаленных районах.

Создатель ставшей легендарной Google Camera Марк Левой разрабатывает новое фото-приложение, которое на этот раз выйдет под крылом Adobe.

Так, если верить данным интернет-инсайдера, новая разработка Левоя будет доступна на большинстве современных смартфонов, а не только на девайсах линейки Google Pixel. При этом представители Adobe отказались называть какие-либо конкретные детали, касающиеся проекта, но при этом учитывая, что на них работает человек, разработавший портретный режим с использованием одинарной камеры, а также технологию HDR+ и режим Night Sight, то, что новое приложение окажется прорывным, не вызывает сомнений.

Стало известно о разработке компанией Vivo нового телефона с рекордно высоким разрешением селфи камеры.

Судя по имеющейся информации, устройство будет представлять из себя преемника Vivo S6 5G, а главной фишкой новинки станет 44 Мп фронтальная камера. Таким образом, китайский бренд установит новый рекорд в данной области, так как ранее самое высокое разрешение селфи камеры было у Huawei P40 Pro — 32 Мп.

Основная же камера Vivo S7 5G (название неофициальное) будет иметь разрешение 64 Мп.


Исследователи организации Consumer Intelligence Research Partners опубликовали новый отчет, в рамках которого были названы самые продаваемые модели iPhone в США.

Выяснилось, что такие модели, как iPhone 11, 11 Pro и 11 Pro Max пришлось порядка 65% продаж. В то же время, несмотря на то, что продавать iPhone SE компания начала лишь в текущем квартале, продажи данной модели уже успели составить порядка 19% от всех смартфонов iPhone во втором квартале 2020 года.

Согласно данным исследования, чаще всего покупателями iPhone являются люди, которые уже пользуются смартфонами компании. Тогда как пользователи, переходящие со смартфонов на базе Android, предпочитают покупать iPhone SE. Так, было установлено, что всего с Android на iOS в рамках квартала мигрировало 16% покупателей, тогда как именно модель iPhone SE из них приобрели 9%.

"ДОРИ-ДАРМОН ВАСВАСАСИ"

НАРХЛАРНИНГ ОШИРИЛИШИ ВА ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА



“Хурматли истеъмолчиларимиздан дори воситаларини харид қилиш ва уларни истеъмол қилишда шифокор маслаҳати ва дори воситасининг қўллаш йўриқномасига амал қилиш, айниқса, хавфли вирусли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган даволаш стандартларига, шифокор кўрсатмасига қатъий риоя этишларини сўраймиз.”

Сўнги вақтларда республикада коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартибнинг амал қилиш даврида аҳолининг вируслардан ҳимояланиш, иммунитетни ошириш ва бошқа мақсадларга мўлжалланган дори воситаларига бўлган талаби ортган. Ўз навбатида, бу шароитда аҳоли талаби ортган препаратларнинг сунъий тақчиллигини келтириб чиқариш ва нархларни кескин ошириш ҳолатлари юзага келиб, бу истеъмолчиларнинг ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг турли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бутун дори-дармонлар нархнависи устидан назорат, уларни асосиз оширганлик учун жавобгарлик, бу борада агентлик томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан Xabar.uz ахборот-таҳлилий портали Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг бошқарма бошлиғи Павел Магай билан суҳбатлашди.

— Айтинг-чи, дори воситалари нархи қандай шакллантирилади?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2647-сонли қарорига мувофиқ, четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш — уларни етказиб бериш-

да иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

— Демак, дори воситаларига қатъий чекланган нарх эмас, балки савдо устамалари белгиланган. Ушбу устамаларнинг тўғри қўлланилиши ким томонидан назорат қилинади?

— Дори воситалари ва тиббиёт буюмлар учун нархларни шакллантиришнинг давлат томонидан белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шу жумладан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари айланмаси билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш ваколатли давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади. Булар, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги.

— Белгиланган савдо устамаларига риоя қилмаганлик қандай оқибатларга олиб келади?

— Мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) лицензия талаблари ва шартлари, шу жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларга нарх белгилаш тартиби, рецетп асосида бериладиган ҳамда электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартибининг бузилиши, товарларни мувофиқлик сертификатларисиз сақлаш ва (ёки) реализация қилиш — лицензия талаблари ва шартларини кўпол равишда бузилиши ҳолати ҳисобланади ҳамда бу фармацевтика фаолияти учун берилган лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартиб-

да тўхтатилишига олиб келади.

Шу билан бирга, расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш, товарлар реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш, сохталаштириш ёки йўқ қилиш, реализация қилинган товарлар қийматини ҳисоб ҳужжатларида ҳақиқатда реализация қилинган қийматидан пасайтирилган нархлар бўйича акс этириш — солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб эътироф этилади ҳамда яширилган (камайтириб кўрсатилган) солиқ базаси суммасининг йиғирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддаси).

— Сўнги вақтларда айрим дори воситаларини, мисол учун, Арбидол, Эргоферон ва шунга ўхшаш дори воситаларини ёки уларнинг қалбакилаштирилган нусхаларини дориҳонадан ташқарида, турли ахборот алмашуш усулларидан фойдаланган ҳолда қиммат нархларда сотилиши ҳолатлари йўқ эмас. Ушбу ҳаракатлар учун қандай жавобгарликлар белгиланган?

— Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 165¹-моддасига асосан, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек, дори воситаларини дориҳоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилганлик учун — маълум ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроллари ва ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 186³-моддасига кўра базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баробаридан уч юз баробаригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан дори воситалари нархининг ошиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Агентлик томонидан республика ҳудудлари бўйича мутасадди идоралар вакилларидан иборат тузилган ишчи гуруҳлар билан биргаликда дориҳоналарда тушунтириш ва профилактика ишлари амалга оширилиб, дориҳона раҳбар ва ходимларига дори воситалари учун белгиланган савдо устамаларига, уларни чакана реализация қилиш ва савдо қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳамда уларга амал қилмаслиқнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тегишли тушунтириш ва расмий оголантириш хатлари берилмоқда.

Шу билан бирга, ҳамкор идоралар томонидан тақдим этилган материаллар ва истеъмолчиларнинг мурожаатларига асосан ўтказилган ўрганиш натижасида аниқланган нархларни шакллантириш тартибига риоя қилмаганлик ҳолати бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

— Суҳбатимиз сўнггида истеъмолчилар ва дориҳона масъулларига қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

— Албатта, ҳурматли истеъмолчиларимиздан дори воситаларини харид қилиш ва уларни истеъмол қилишда шифокор маслаҳати ва дори воситасининг қўллаш йўриқномасига амал қилиш, айниқса, хавфли вирусли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган даволаш стандартларига, шифокор кўрсатмасига қатъий риоя этишларини сўраймиз.

Шунингдек, дори воситаларини фақатгина дориҳоналардан сотиб олиш, харид пайтида сотувчидан касса чеки, дорилар номи ва нархи ёзилган товар чеки берилишини талаб қилиш ҳамда уларни бутун даволашни даврида сақлаб қўйиш лозим.

Фармацевтика соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлардан дори воситалари ва тиббий буюмларга нарх белгилаш тартибига, лицензия талаблари ва шартларига ҳамда солиқ қонунчилигига қатъий риоя қилишларини сўраймиз.

**Анвар КАРАЕВ,
Суҳбатлашди**

Кейинги пайтларда фарзандларимизнинг тарбиясидаги камчиликлар хусусида асосан оналарни айбдор санаш одат тусига кирди. Айримлар гап фақат оналарда эмас, оталар ҳам фарзанд тарбиясида баб-баробар шерик бўлиши зарур, дейишади. Аслида кундалик ҳаётимизда қандай? Кузатувларимизни сизлар билан ҳам баҳам кўришни жоиз деб топдик.



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА КИМ МАСЪУЛ?

БИРИНЧИ ҲОЛАТ

Автобусда ёнимдаги ўриндиқда ўтириб кетаётган аёлнинг уч ёшлар атрофидаги ўғилчаси жажжигина бармоқчаларини ойнага чўзиб, деразадан оқаётган сув томчиларини ушламоқчи бўлди. Аёл: "Мумкин эмас, болам, қўлларинг кир бўлади", – деди мулоимлик билан. Болакай онасига тушундим, деган ишорасини қилди.

Касбим тақозоси сабаб аёлни суҳбатга тортдим. Мулоқот жараёнида ёш она фарзандларини тарбиялашда ҳамиша эр-хотин фикри бир жойдан чиқишини айтиб ўтди. Болалари бирор камчилик ёки хатога йўл қўйса, ҳеч қачон дастурхон атрофида кўпчилик ёнида муҳокама қилиниб, изга қилинмас экан.

– Айниқса, ҳомиладор пайтимда хўжайиним мени аянам кўпроқ авайлайди. Шу боис болаларимнинг феъли кенг, – деди аёл.

ИККИНЧИ ҲОЛАТ

Бозорда онасининг ёнида банан еб кетаётган беш ёшлардаги қизалоқнинг қўлидаги банан ерга тушиб кетди. Қизча шошилганича бананни ердан олмоқчи бўлди. Аёл қизининг қўлига бир шapatiлаб: "Қўлинг ифлос бўлди, мараз", – деди. Қизча овозининг борича йиғлаб юборди. Аёлнинг ташқи қиёфасига разм солдим. Қорнида олти-етти ойлик ҳомиласи бор аёл зил-замбилдай сумкани аранг кўтариб уйига ошиқар, айб иш қилган қизчасини тинмай қаргаб борарди.

УЧИНЧИ ҲОЛАТ

Бектемир тумани кўптармоқли шифохонада дерматолог қабулида навбатда турган аёлнинг юз-қўзларидagi куйган яраларни кўриб, сабабига

Соғлом

чақалоқ оилада ҳаммага хотиржамлик, қувонч, бахт, бағишлайди. Бундай болалар боғчада ҳам, мактабда ҳам ҳар қандай билимни жуда тез ва осон ўзлаштириб олади.

қирикдим. Навбатимиз келгунича икки аёл бироз ҳасратлашдик.

– Иккита фарзандим бор, учинчисига ҳомиладорман. Ўзим давлат корхонасида ишлайман.

Таътилга чиққунимча ҳали анча вақт бор.

Аммо ҳозир мана шу яралар сабаб, ишга боролмай ўтирибман, – деди аёл кўнглини очиб. – Ҳам давлат иши, ҳам уй юмушлари, болалар тарбияси ҳаммаси менинг бўйнимда. Кеча ошхонада овқат қилаётганим, бир пайт тўрт яшар қизим кўчадан қўллари лойга ботиб, уст-боши кир ҳолатда кириб келди. Бу ёқда қозонда ёғим қизиби турибди. У ёқда қизимнинг юз-қўлларини ювиш керак. Хўжайиним ишдан келиб, телевизор кўриб, мудраб ўтиргандим.

– Дадаси, қизингизнинг юз-қўлларини ювиб қўйинг, ёғим ёниб кетади, десам, "Бу юмушлар сенинг вазифанга киради, улгурмаётган бўлсанг уйда ўтир", – деди жаҳл билан. Асабийлашиб қозонга гўштни солишим билан ёғ ҳамма ёққа сачраб кетди. Мана кўринг юзимда, бўйнимда ёғдан қолган доғлар. Ҳалиям ачишиб оғриятти. Хўжайиним эркакнинг вазифаси фақат пул топиш деб ўйлайди. Фарзандларини ёнига олиб бирор марта эртак ёки ҳикоя айтиб берганини кўрмаганман. Иккинчи қаватдаги қўшнимиз корейс

миллатига мансуб, шу оилага ҳавасим келади. Аёли ҳомиладор бўлиб фарзандини дунёга келтиргунича хўжайини уй юмушларига ёрдам беради, асраб-авайлайди. Ҳар доим гинеколог ҳузурига бирга олиб боради. Мени хўжайиним эса фақат туғуруқхонадан олиб чиқишга боради, холос.

Аёлнинг куйиниб сўзлашида жон бор, албатта. Нотўғри фикрлариясиз, ўзбек эркаклари ҳам аёлини авайлайди, дейдиганлар топилади. Тўғри, фикрингизда жон бор, бизнинг эркакларимиз асосан аёл ҳомиладор бўлса фақат унинг оғзи тусаган нарсаларини олиб беришни ўз вазифаси деб билади. Аммо аёл бу даврда бирор егулик ҳақида эмас, кўпроқ меҳр-муҳаббатга қалбини тўйдириш ҳақида ўйлайди. Чунки унинг қорнидаги ҳомиласи атрофдагилардан, отасидан шундай меҳрни кутади. Биз эса аёл ҳомиладор бўлган кундан бошлаб у дунёга келтирадиган боланинг жинсига қизиқамиз. Аёлнинг соғлиғи, боланинг маънавиятидан кўра гўдакнинг ўғил ёки қиз эканлиги биз учун кўпроқ муҳим.

Узоққа бормаилик оддийгина мисол. Аёлнинг эътибордан четда қолиши энг аввало ҳомиладорлиги аниқлангач, шифокор кўригига боришидан бошланади. Гинеколог ҳузурига навбатда турган келинларни кўп ҳолларда кузатаман, ҳар доим жонсарақ, бетоқат. Яқинда бир келинчақ:

"Ойижоним тезроқ кўриқдан ўтиб келинг деган, худди мен кўчада айланиб юргандек, кеч қолсам

қовоқларини уюб олади", – дейди оёғи куйган товукдек типирчилаб. Ниҳоят навбати етиб, шифокор олдига кирди, шифокор УТТ аппаратага тушишни маслаҳат берди. У эса навбат кўплигини кўриб, кейинги сафар, деди-ю шифохонадан шошилиб чиқиш кетди.

Бизда фарзандни дунёга келтириш бу аёлнинг вазифаси, удаллаши зарур деб қаралади. Ваҳоланки, соғлом болани дунёга келтириш учун аёлнинг ўзини кучи етмайди. Ҳомиладор аёлнинг алоҳида кун тартиби бўлади. Шифокорлар бу тартиб ҳақида уларни минг мартаба оғохлантиргани билан кошқийди амал қилинса. Мисол учун, бу тартибдан энг осон ва маблағ талаб қилинмайдиганларини санаб ўтсам. Вақтида ухлаш, китоб ўқиш, телевизор кўриш, атрофдагилар билан гўзал ва мароқли суҳбатлар қуриш.


Соғлом чақалоқ оилада ҳаммага хотиржамлик, қувонч, бахт, бағишлайди. Бундай болалар боғчада ҳам, мактабда ҳам ҳар қандай билимни жуда тез ва осон ўзлаштириб олади. Бундай болалар ота-онасини бошқалар олдида уялтирмайди. Уларга бир оғиз "уят бўлади" ёки "бу ишинг нотўғри", деган сўзнинг ўзи кифоя. Ахир, "Бола азиз, одоби ундан азиз", деган мақол бежиз эмас. Фарзандларимизни ҳамиша азиз ва қадрли бўлиши эса нафақат оналарга, оталарга ҳам боғлиқ. Юқоридаги воқеалардан хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

Нигора РАҲМОНОВА,
журналист

COVID

ДИССИДЕНТЛАР КИМЛАР?

Ёки яширин фикрлар эпидемияси хавфи



“Одамлар ниқоб тақиб олгани менга жуда кулгули кўринади, ёш болага ўхшаб ишонувчанлиги галати”, “Кимнидир танишининг таниши, кимнидир қариндошининг қариндоши коронавирусга чалинди, битта бўлсам менга топиб кўрсатинг-чи?”...

Яқин яқингача интернет тармоқларида мана шундай баҳсларни кузатётгандик. Ҳатто одамлар орасида “коронавирус бўлмаган гап-ей, бутун дунёнинг сиёсати”, деган суҳбатлар кулгумизга чалинаётгани. Ушбу касалликка ишонмайдианлар бутун дунёда кўплаб топилади, булар диссидентлар ҳисобланади.

Мутажассисларнинг фикрига кўра, COVID диссидентлари орасида вирус гриппдан ҳам ёмон эмас, дейдиганлар кўпчиликини ташкил қилади. Афсуски, бундай одамлар ҳамюртларимиз орасида ҳам кузатишмоқда. Бу одамлар уйда парацетамол ва мевали ичимликлар билан даволанмоқдалар, улар шифокорни сўнгги чора сифатида қақирадилар, ниқоб тақмайдилар ва ўзларини изоляция қилиш тартибига риоя қилмайдилар. Хусусан, улар коронавирусни грипп билан солиштиришни яхши кўрадилар. Аммо тан олишни исташмайдик, бугунги кунда коронавируснинг ўлим даражаси анча юқори. ЖССТ маълумотларига кўра, бир йилда 3,5–5 миллион киши гриппнинг барча турлари билан касалланиди ва йил бошидан бери деярли 15 миллион киши коронавируснинг янги турини юқтиришди.

“Эпидемия шунчаки цирк, биз эса масхарабоз”
Токи одамлар “мен коронавирусга чалиндим, менга ёрдам беринг” деб бонг урмагунча кўпчилик ана шундай ўйлаганди. Агар уларга хориздаги шифокорларнинг аҳолини, вазиятни айтсангиз жавоби нақд: “Актёрлар! Уларга иш ҳақи берилди”, “Ҳамма ваҳима Ўзбекистонда, ко-

ронавирус авж олган хориз мамлакатларида ҳамма хотиржам, демек вирус йўқ нарса...” Афсуски мана шундай фикрлайдиганларни дастлаб ишонтириш жуда қийин кечди. Ва оқибатда юртимизда одамлар уч кунлаб тўйлар қилишди, бозорларда, жамоат жойларида масофа сақламай қўйди, ниқобни номига тақди... айнан диссидентлар туфайли касаллик авж олиб кетди.

Шунингдек, пандемияни фитна деб биладиганлар ҳам бор: гўё вирус сунъий равишда барчани микрочиплаш, вакцина билан бирга микросхемани жорий қилиш учун яратилган. Бир қатор скептиклар эпидемия ўзига хос ижтимоий эксперимент, дунё ҳукуматининг фитнаси эмиш.

Шу боис диссидентлар майдонларда кечалар, шоўлар уюштиришди. Ушбу тоифадаги одамлар ҳақиқатан ҳам COVID-19 каби касаллик мавжуд эмаслигига ишонди. Кўпинча улар пандемиядан фойда олишлари мумкин бўлганлар ҳақидаги маълумотларни тарқатдилар. Дастлаб, бундай одамлар коронавирус — бу Хитой иқтисодиётини йўқ қилишга қаратилган ҳужум эканлигини айтишди. Энди уларнинг даъво қилишлари-ча, Хитой вирусни йўқ қилиш учун дунёнинг қолган қисмига юборганмиш. Баъзи диссидентлар коронавирусни фармацевтика компанияларининг фитнаси, яъни пул қилиш йўлидаги “уйини” деб ҳисоблашди.

Хоризда изоляцияга қарши оммавий намойишлар ўтказилди. Бундай норозиликлар вируснинг ўчоқларига айланди. Шу боис Америкада, Шимолий Кавказда, Петербургда умуман хоризнинг кўпгина мамлакатларида “иқтисодиётга ҳалақат берадиган” ўз ўзини изоляциясини бекор қилишни талаб қилиб чиқишди. Масалан Шимолий Кавказдаги учрашувни опера хонандаси ва COVID — диссидент Вадим Чельдиев ташкил қилди. Чельдиев мурожаатида, у “коронавирус мавжуд эмас” ва “улар бизга нисбатан тўлиқ назорат ўрнатилган ҳаракат қилмоқда”, деб ишонтирди, айти пайтда бу мурожаат хонанданинг ижтимоий тармоқда-

ги саҳифасидан аллақачон олиб ташланган. Аммо апрел ойида у деярли барча маҳаллий гуруҳларга парвоз қилди. Митингдан бир ҳафта ўтгач, минтақа раҳбари Вячеслав Битаров вирусни юқтирганлар сони кўпайишни эълон қилди. Бир неча фаоллар ҳатто касалхонанинг юқумли касалликлар бўлимига “эксперсия” қилдилар. Кейин улардан бири камера тўғрисида туриб одамлардан вирусга ишонмагани учун узор сўради: “Тўғри, вирус мавжуд. Шифокорларга осон эмас экан. Мен бу кийимда йигирма дақиқада ўзимни ёмон ҳис қилаяпман...”

Ёки АҚШда, ёшлар коронавирусдан кўрқмасликларини исботлаш учун жамоат жойларида ниқобсиз юришди. Улардан бири кўрқмасдан касалхонада коронавирусни юқтирди. Эронда, битта журналист, коронавирус фантастика эканлигини исботлаш учун жамоат жойларида ибодатхоналарни ёқиб юборди. Бир неча ҳафта ўтгач, эркак коронавирус туфайли келиб чиққан пневмониядан вафот этди.

Ҳўш, фитна назарияси қаердан пайдо бўлди?
Айни пайтда COLL марказда ишлайдиган танишим бир гапни айтиб қолди — “Баъзилар мендан ўзи касаллик рўстан борми деб сўрайди” шу қадар кўп одам юқтирганими ёки йўқлигини билиш учун кўнгирак қилишди.

Ҳа, дастлаб шифокорларда, палаталарда ҳақиқатан ҳам кам сонли одамлар бор эди. Беморларнинг юзлари хиралаштирилди ёки умуман кўрсатилмасди, сабаби тиббий сирни сақлаш керак. Шифокорлар эса махсус кийимлар ичида эди. Қолаверса, бирорта касал бўлган одамнинг ўзи очикдан очик касалини тан олиб ёки тузалгани ҳақида ахборот бермасди, умуман касалхонадаги аҳвол ёритилмасди, балки шунинг учун, эҳтимол, вирусни уйлаб топилгани ҳақида фитна назарияси пайдо бўлгандир.

“Бор овозда бақираман: ниқоб тақинг, ўзингизни эҳтиёт қилинг”

Н. исми бемор (унинг илтимосига биноан исми ўзгартирилган) охири кунгача коронавирусни рад этиб келаётган эди. Унинг онаси тўйда коронавирусни юқтириб аҳоли оғирлашиб қолди. Авалига онасининг касалини грипп деб ўйлади, кейин онасининг қонидан кислород билан тўйинганлиги атиги 75га тушиб қолганида, бу касалликда ҳаво етишмай қолади деган “тўқима”, “ваҳима” гапларга бекорга ишонмаганига афсусланди... У мен билан гаплашар экан: “Онангиз бўлса онангизни, бўлмаса яқинларингизни бу балодан асранг илтимос, мен ҳам бошимга тушмагунча ишонмагандим, онаминг хотиржам бўлишига менинг тарғиботларим сабаб бўлди, ҳозир ҳаммага бақириб айтгим келади: “ниқоб тақинг, уйда қолинг, ишонинг бу вирус бор ва жуда хавфли...”

Коронавирус билан оғриган беморлар ундан ўлмайди

Дарҳақиқат, бу кўпинча шундай. Ушбу назариянинг тарқалишига одамларда юқумли касалликлар мавжудлигини алоҳида таъкидлайдиган баъзи куч тузилмалари ёрдам беради. Шу муносабат билан, интернетда ҳаттоки ҳазиллар пайдо бўлди, унда одам пичоқ ёки ўқ жароҳатларидан вафот этди ва шифокор охири оқибат унинг коронавирусдан вафот этганини тўғрисида ёзишни талаб қилди. Ёки одам машинадан аварияга учради ва шифокор уни коронавирусдан ўлди деб ёзиб берди...

Ёки касалланганларда албатта ёндош хасталиклар борлиги эслатиб ўтилади. Аммо диссидентлар бир нарсани яна унуттишди, яъни агар вафот этган одам коронавирусни юқтирмаганида эди сурункали касалликлари билан узоқ яшаётган бўларди. Демек коронавирус иммунитетни пасайтиради ва организмнинг сурункали касалликларга қарши курашишни сусайтиради.

Изоляция қилиш фойдасиз, барибир касал бўласиз

Қайсидир маънода, яширин диссидентнинг бу фикри тўғри. Бироқ, бу одамларнинг бепарволиги шифокорларнинг илоҳи борица кўпроқ касалларни қўқаришга уринишларини рад этади. Улар кўйидагиларни ҳисобга олмайдилар: Биринчидан, шифокорлар фақат коронавирус ва унинг асоратлари билан курашиш усулларини кидирмоқдалар. Кейинчалик сиз касал бўлсангиз даволаншингиз самаралироқ бўлиши учун, иккинчидан, олимлар вакцина устида ишламоқдалар ва бир фойз одамлар буни қўтишди. Ҳўш, агар у сиз бўлсангизчи, сизга вакцина ёрдамга келса яхши эмасми?

Коронавирус фақат кекса одамлар учун хавфи...

Ушбу турдаги коронавирис диссидентнинг таъкидлашича, коронавирисдан фақат кекса

одамлар кўрқиб керак — уларга касаллик осон юқади ва иммунитетни заиф бўлгани учун осон вафот этади.

Дарҳақиқат, кекса авлоднинг ўлим даражаси ёшларга қараганда анча юқори. Ва бу мантиқийдир — нафақахўрларнинг иммунитетни деярли юқумли касалликлар туфайли заифлашади. Бироқ, бу ёшлар коронавирусдан ўлмайди дегани эмас. Улар ҳам вафот этишади. Мана яқинда Ўзбекистонда 28 ёшли аёл, 14 ёшли ўсмир вафот этди. Вафот этганлар орасида 35 ёшлилари, 40 ёшлилари ҳам мавжуд.

Энди тасаввур қилинг кексалар ўзини эҳтиётлаб кўчага чиқмаслиги, жамоат жойларида юрмаслиги мумкин. Лекин ёшларчи, тунги клублар, турли кечалар, митинглар — айнан ёшларнинг жамоат жойда кўп юришини ҳисобга олсак юқтириши ҳам шу даражада кўп бўлади ва ўлим сони ҳам кўпайиши турган гап.

Ёки бўлмаса кечкурун дўконлар олдида, маҳалла атрофида ўсмир йигитларнинг ниқобсиз гурунлашиб ўтирганини кўрамиз. Тўғри улар зерикаётгандир, уйда ўтиргиси келмаётгандир, балки вирус юкса иммунитетни кучли бўлгани учун ёш организм осон енгар, лекин уйда унинг бобоси, буvisи, ота-онаси борку. Уларга симптомсиз ташувчи бўлиб қолсачи?

Нега яширин диссидентлар хавфи?

Чунки улар тавсияларга амал қилмайди. Яъни, улар потенциал равишда бошқа одамлар учун ташувчи манбаи, вируснинг векторига айланиши мумкин. Диссидентлар коронавирус билан касалланган одам билан алоқада бўлганида, карантин қилинмайди. Охирига қадар улар ниқоб тақмайдилар, чунки “мен юқумли эмасман” ва касалхоналар, карантин ҳудудларидан қочиб кетишди, чунки “бу ерда нима қилишим керак, мен соғломман”, деб ўйлашади. Бунга мисол бизнинг ҳамюртларимиз орасида ҳам карантин ҳудудидан қочиб ҳоллар кузатилади. Бундан ташқари, улар жамоа бўлиб тўпланишади. Улар бошқа одамларни шифокорларнинг тавсияларига риоя қилмасликларига ва фитна назарияларини тарқатмасликларига ишонтиришади. Айниқса, кўпчилик эшитадиган, эргашидиган фикр етакчилари бундай одамлар бўлишганда хавфлидир. Масалан, Буюк Британиянинг Бош вазири Борис Жонсон пандемия бошида коронавирус билан касал бўлишга қақирган. Коронавирус юқтириб олгач, бир мунча вақт реанимацияда ётди. Ва у ўз нуқтаи назарини ўзгартирди...

Коронавирус кундан кунга авж олапти. Ишонмаганларни ҳам, кўрқмасларни ҳам, ёшларни ҳам аяётгани йўқ. Коронавирусга чалинмаслик фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ бўлиб турибди. Илоҳи борица карантин қодаларини бузмаслик, жамоат жойларига бормаслик, соғлом турмуш тарзига амал қилиш асосий вазифамизга айланган. Коронавирисдан кўрқмай ёки ишонмай соғлиққа хавф етказгандан кўра, унинг борлигига ишониб, бу офатни талофатсиз енган киши ҳеч нарса ўқказмайди, шуни унутмасак бас.

Интернет материаллари асосида Барно Султонова тайёрлади

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЧЕТ ТИЛИ

Хориж тилини ўрганишда АКТнинг ўрни қандай?

Чет тилини ўқитишга бугунги кунда барча давлатларда алоҳида эътибор қаратилади, айниқса, пандемия шароитида чет тилига бўлган эътибор ахборот-коммуникация технологиялари сабабли кучайди. Сабаби айнан мазкур технологиялар орқали чет тилини ўқитиш ва ўрганиш унинг иштирокчилари учун ҳам иқтисодий томондан, ҳам таълим олиш ва дарсларни тушуниш, тушунтириш нуқтаи назаридан жуда қулай ва самаралидир. Шунга кўра, чет тилини мукамал ўрганишда дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари барча педагогик жараёнларга ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.



Маълумки, хорижий тилни ўрганаётганимизда тўртта компетенция (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ҳамда тўғри талаффуз қилиш)дан фойдаланамиз. Мултимедиа орқали эса, бу компетенцияларни амалда тезроқ ва самаралироқ эгаллаш имконига эга бўламиз. Талаб даражасида тўғри ишлаб чиқилган мултимедиа материаллари матнли ахборотга қараганда бирмунча илғор усул бўлиб, ўқувчиларда аниқ ва самарали ментал модел (тасаввур) шаклланишига ёрдам беради.

Матн ва видеонинг онлайн усулидаги тренинг жараёнида бирга ишлатилиши, мултимедиа материалларининг потенциал афзалликлари ҳақида Мейер ҳам айтиб ўтган. Тингловчиға видео ва аудио ахборотларни қабул қилиш имкониятини яратган ҳолда, алоҳида олинган ушбу имкониятларнинг ҳар биридан ҳам кўра мултимедианинг маълум устуңлиги мавжуд. Ушбу иккита ахборотни қабул қилиш каналларининг бир-биридан кескин фарқ қилишиға қарамасдан, уларнинг мултимедидаги комбинацияси жуда ҳам муваффақиятли чиққан, чунки бунда иккала тизимнинг ҳам афзалликларидан самарали фойдаланилади. Матн ва графика ўртасидаги алоқалар мавзунини чуқурроқ тушунишға ва ментал модел (тасаввур)нинг яхшироқ шаклланишиға кенг имкониятлар яратади. Масалан, чет тилини ўрганаётганимизда, демек шу

тилда тўғри ёзиш ва ўқишдан ташқари, шу тилдаги маълумотни тўғри тушуна олиш ҳамда уни тўғри тушунтира олишни ҳам билишимиз керак. Бу борада бизға хорижий тилни ўрганаётганда дарс жараёнида ўша ўрганаётган тилимиздаги турли хил видеоролик ва видеодарслар анча самарали натижаларни беради. Чунки ўқитувчи ҳам ҳар доим ўқувчиға маълумотни тўлиқ етказиб бера олмаслиги мумкин. Видеороликларда эса шу тил "эгалари" томонидан берилган маълумотлар ўқувчиға осон ва самарали етиб бориши мумкин.

Самарали ишлаб чиқилган таълим муҳити (шу жумладан, мултимедиали таълим муҳити) қуйидаги тўртта элементни ўз ичига қамраб олади:

1. Ахборотларни акс эттириш.
2. Ишни нимадан бошлаш ва қандай давом эттириш бўйича қўлланма.
3. Тушуниш ва хотирада сақлаб қолиш учун машқлар.
4. Ўтилганларни такрорлаш ёки кейинги босқич (қадам)ға ўтиш зарурлигини аниқлаш учун ўзини баҳолаш.

Ушбу тўртта элемент электрон ўқув ресурсларидан фойдаланган ҳолдаги таълимда ёки анъанавий таълим турлари билан бўлган комбинацияларда ишлатилиши мумкин. Элементларнинг барчасини мултимедиага ишлатиш мумкинлигиға қарамасдан, мултимедиада ушбу элементлардан фойдаланиш уларни янада са-

маралироқ ва муҳимроқ қилади. Мултимедиа воситалари ёрдамида шахсға йўналтирилган таълимни амалға ошириш жараёни замонавий, кўптармоқли, предметға йўналтирилган мултимедиали ўқув воситаларини ишлаб чиқишни ва фойдаланишни талаб этади. Таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобға олиш ва уларнинг манфаатдорлигини оширишға қўмақлашиш имкониятларига кўра, шунингдек, ҳар хил турдаги мултимедиали ўқув ахборотларининг уйғунлашуви, интерфаоллик, мослашувчанлик сифатларига кўра мултимедиа фойдали ва маҳсулдор таълим технологияси ҳисобланади. Интерфаолликнинг таъминлиши ахборотларни тақдим этишнинг бошқа воситалари билан таққослаганда рақамли мултимедианинг муҳим ютуқларидан ҳисобланади. Интерфаоллик таълим олувчининг эҳтиёжларига мос равишда тегишли ахборотларни тақдим этишни назарда тутади. Дарсликлардан фойдаланилгандаги сингари, мултимедиа воситаларини қўлладда ҳам таълим стратегияси таълим жараёнида ўқитувчи нафақат ахборотларни тақдим этиш, балки таълим олувчиларға қўмақлашиш, қўллаб-қувватлаш ва жараёни бошқариб бориш билан шуғуллангандагина мазмунан бойитилиши мумкин. Одатда, чиройли тасвирлар ёки анимациялар билан бойитилган тақдимотлар оддий кўринишдаги матнларға қараганда анча жозибали чиқади ва улар тақдим этилаётган материалларни тўлдирган ҳолда зарурий эмоционал даражани таъминлаб туриши мумкин. Мултимедиа воситалари ҳар хил таълим йўна-

лишлари (стиллари) уйғунлигида қўлланилиши ва таълим олиш ҳамда билимларни қабул қилишнинг турли руҳий ва ёшға доир хусусиятларига эга бўлган шахслар томонидан фойдаланилиши мумкин: айрим таълим олувчилар бевосита ўқиш орқали, баъзилари эса эшитиб идрок этиш, бошқалари эса (видеofilмларни) кўриш орқали таълим олишни ва билимларни ўзлаштиришни хуш кўрадилар.

Интерфаол мултимедиа технологиялари академик эҳтиёжға эга бўлган таълим олувчиға ноанъанавий қўлайлик туғдиради. Хусусан, эшитиш сезгисидефекти бор таълим олувчиларда фонологик малакалар ва ўқиш малакалари ўсишиға, шунингдек, уларнинг ахборотларни визуал ўзлаштиришларини таъминлайди. Нутқи ва жисмоний имконияти чекланганларда эса воситалардан уларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиқиб фойдаланишға имкон беради. Мултимедиа воситалари таълим беришнинг самарали ва истиқболли қуроли (инструментлари) бўлиб, у ўқитувчиға анъанавий маълумотлар манбаидан кўра кенг қўламдаги маълумотлар массивини тақдим этиш; кўргазмали ва уйғунлашган ҳолда нафақат матн, графиклар, схемалар, балки овоз, анимациялар, видео ва бошқалардан фойдаланиш; ахборот турларини таълим олувчиларнинг қабул қилиш (идрок этиш) даражаси ва мантқий ўрганишиға мос равишда кетма-кетликда танлаб олиш имкониятини яратади.

Таълимда мултимедиа воситаларидан фойдаланишнинг умумий бўлган бирмунча салбий тарафлари ҳам мавжуд. Улар

жумласига диққатнинг бўлиниши, материалларни яратишдаги мураккабликлар, вақтнинг кўпроқ талаб этилиши, дастурий таъминот ва техника воситаларини сошлаш ва фойдаланишда вуждуга келадиган муаммолар, ахборотларни компютер экранидан ўқиш жараёнидаги қийинчиликлар ва бошқа жиҳатлар қиради.

Диққатнинг бўлиниши. Ахборотларни тақдим этишнинг мураккаб усулларидан фойдаланиш аксарият ҳолларда ҳар хил номутаносибликлар туфайли таълим олувчилар диққатини ўрганилаётган асосий мавзудан чалғитиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир дарсда аудиториянинг умумий билим даражасидан келиб чиққан ҳолда мултимедиа воситаларидан фойдаланиш зарур. Масалан, чет тилини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлиги етарли даражада бўлмасдан туриб уларға ўз даражасидан юқори бўлган аудио ҳамда материалларни қўйиб бериш, ўқувчиларда тилни ўрганишда қийинчилик туғдириши мумкин, айрим ҳолларда эса бу дарсдан зерикши ҳолатларига ҳам олиб келиши мумкин.

Олий таълим муассасалари ўқув жараёнида мултимедиа-ресурсларининг кириб бориши билан мултимедиа-ресурсларининг ишиға тааллуқли сифатли хужжатлаштиришға талаб ўсиб бормоқда. Мултимедиа-ресурсларининг тўғрилигини, методик қўрсатмаларнинг батафсиллиги ва тўлиқлигини ҳамда фойдаланишға йўриқнома асословчи хужжатларни расмийлаштиришға талаблар юзаса келади. Мултимедиа-ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланиш ишлаб чиқувчилар, буюртмачилар, педагог ва ўқувчилар ўртасида интерфейси, шунингдек, мултимедиа-ресурслари функциясини ўзлаштириш ҳамда такомиллаштириш имкониятини таъминлаш мақсадида мултимедиа-ресурсларининг маълумотлари қулай бўлиб, улардан ва қисмларидан қайта-қайта фойдаланиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, таълимда мултимедиали ахборот-ресурсларидан фойдаланишда уларнинг энг самарали восита ва таълим мазмунини бойитувчи омил эканлиги яққол намоён бўлиб бормоқда.

Солиҳа АНОРБОВЕВА,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети мустақил изланувчиси

IT-ПАРК ОЧИЛГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

ONLINE MARATHON * IT PARK MITC

IT PARK REWIND 2020

24TH OF JULY 2020 FROM 2PM TO 6PM LIVE

ROBOTICS FREELANCE

STARTUPS IT-EDUCATION

GAMEDEV CAREER IN IT

</10'6> UZVCA VRONICA xabar.uz spot

Шу муносабат билан онлайн марафон бўлиб ўтади

Шунингдек, асосий ижроҳчи IT-Парк бўлган бепул онлайн платформаси – “One Million Uzbek Coders” лойиҳасини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Ушбу лойиҳанинг ўзига хослиги шундаки, унда барча хоҳловчилар дастурлаш асосларини ўзбек тилида бепул ўрганиши мумкин. Бугунги кунга келиб платформада мамлакат бўйлаб 60 000дан зиёд фойдаланувчи таълим олмақда. 5000дан ортиқ фойдаланувчи аллақачон лойиҳа битирувчисига айланди ва муайян IT мутахассисликлар асосини ўрганган ҳолда ўз ўқув жараёнларини муваффақиятли якунлади.

Янги ўқув йилидан бошлаб “One Million Uzbek Coders” ўқув дастури республикадаги мактаб ва университетларда ўргатила бошланади. 250 000дан кам бўлмаган мактаб ўқувчилари ва талабалар 2020-2021 ўқув йилида ушбу платформада таълим олади.

Таълим ҳақида гапирар эканмиз, айтиш лозимки, Ўзбекистон бўйлаб 30та IT-марказ очилди ва уларда 7200 ўқувчи таълим олди. Шунингдек, IT-марказларда 80дан зиёд иш ўрни ва 116та онлайн видеодарс яратилди. 2021 йилга келиб юртимизнинг ҳар бир туман марказида IT-марказлар очилади ва унда IT дунёсининг энг керакли ва ақтуал фанлари ўқитилади.

Қолаверса, бугунги кунда IT-Парк қошидаги IT-марказ ва IT-

академияларда ҳар бир хоҳловчи юртимиз учун ҳаттоки бегона бўлган киберспорт ва мобил робототехникани ўз ичига олган 10дан ортиқ йўналишларда таълим олишлари мумкин. IT-Парк эса Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида ўз филиалларини очади.

Бироз олдинга илгарилардан ҳолда айтишимиз мумкинки, IT-Парк Ўзбекистон пойтахтида 6 гектар ерни қамраб олади ва у ерда куйидагиларни ўз ичига олган бинолар комплекси қад ростлайди: IT-офислар, IT-отел, IT-лаборатория, коворкинг марказлари, анжуман заллари ва ҳаттоки IT-университет.

IT-Парк очилиши шарофати билан ташкил қилинаётган онлайн марафонга келадиган бўлсак, ушбу мазмунли кунда меҳмонлар бизнинг муваффақиятли IT тадбиркор ва фрилансерлардан ташкил топган хурматли спикерларимизни кўришлари ва тингашлари, ахборот технологиялари дунёсининг ақтуал ва долзарб мавзулари бўйича суҳбатлашишлари ва муҳокама қилишлари, ўзларига қизик бўлган саволларни беришлари ҳамда қизиқарли жавоблар олишлари мумкин бўлади.

Онлайн марафоннинг спикерлари:

- IT-Парк директори – Фарҳод Ибрагимов;
- Google катта муҳандис дастурчиси – Нодир Тўрақуллов;

- IT-марказлар директори – Нодир Алибеков;

- Ўзбекистон венчур инвестициялари ассоциацияси расиси – Дилшод Зуфаров;

- Технологик тадбиркорлик ва венчур фондиди ривожлантириш бўйича компания ҳамда Startech.vc, Startupbootcamp Russia венчур фонди ва Хитойдаги рус акселератори ҳамасосчиси – В. Здоренко (Россия)

- Vronica компанияси асосчиси, Gamedev Goethe инкубатори раҳбари – А.Салихов ва бошқалар.

Онлайн марафон ҳар бири муайян вақтда ўтказилувчи ва бир қанча тақдимот ва мавзуларни ўз ичига олган икки блокка бўлинган.

1-блок – “IT таълим” (14:15-15:40);

2-блок – “Ўзбекистон стартаплари” (15:40-18:30).

Онлайн марафон 2020 йилнинг 24 июл санасида, 14:00дан 18:00га қадар IT-Парkning Youtubeдаги каналда жонли эфирда бўлиб ўтади. Барча хоҳловчилар унда иштирок этиши мумкин, рўйхатдан ўтишнинг ўзи kifоя.

Youtube канали: <https://www.youtube.com/channel/UCZwqg40xo2PyLGuQifUbeqg>
 Рўйхатдан ўтиш: https://bit.ly/marathon_uz

Ҳозирги кунда 398та IT компания IT-Парк резиденти бўлиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми 670 млрд. сўмдан зиёд, экспорт ҳажми эса – 11,2 млн. долларни ташкил қилмоқда. Резидент компанияларда фаолият олиб боровчи ходимлар сони 4046 кишини ташкил қилади.

30та стартап жамоа эса инкубация ва акселерация дастурларидаги ўқув жараёнини якунлади.

Бундан ташқари, IT-Парк умумий соврин жамғармаси 2,5 млрд. сўмни ташкил қилувчи, киберспорт бўйича иккита онлайн турнирини ўз ичига олган, жами 40дан зиёд лойиҳа ва маросимларни амалга оширди. Мактаб ўқувчилари учун мобил робототехника бўйича “Future Skills Uzbekistan” IT олимпиадаси ҳам ташкил қилинди.

ОНЛАЙН ТАНЛОВ

Стартаплар учун онлайн танлов: Seedstars World 2020/21


Ривожланиб бораётган бозорлардаги стартапларнинг йирик танловида аризалар қабул қилиш бошланди.

Seedstars – Швейцария компанияси бўлиб, ўз олдида ривожланаётган мамлакатларда технологиялар ва тадбиркорлик ёрдамида инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш вазифасини кўйган.

Seedstars фаолияти 90дан зиёд ривожланаётган экотизимларни, жумладан, Online Seedstars World Competition, акселерация дастурлари, Seedspace хаблари, венчур инвестициялари ва компанияларни яратиш фаолияти сингари турли тадбирларни қамраб олади.

Seedstars World Competition ҳақида

2013 йилда Seedstars компанияси Seedstars World ташаббуси сифатида ишга туширилди: ҳамасосчилар Пер-Алан Массон ва Ализе де Тоннак ривожланаётган бозорларда энг иқтидорли стартапларни топиш ва йирик тадбиркорлар ҳамжамиятни куриш мақсадида рюкзаклари ва дунёни ўзгартиришга бўлган катта



иштиёқлари билан 20 мамлакат бўйлаб тур сафарига отланишди.

13та мамлакат бўйича ўтказилган мусобақаларнинг биринчи босқичи муваффақиятли ўтди ва глобал аудитория эътиборини тортиди. У ривожланаётган мамлакатларнинг фойдаланилмаётган салоҳиятини, инновацион ечимларни ва ўз экотизимларини ўзгартиришга тайёр бўлган иқтидорли тадбиркорларни дунёга кўрсатиб берди. Бу келгуси олти йил ичида минглаб тадбиркорлар, менторлар, инвесторлар ва экспертлар ишти-

рок этган катта турларга пойдевор бўлди. Ҳозирда Seedstars World – ривожланиб бораётган бозорлардаги стартапларнинг дунёдаги энг йирик танловидир.

Seedstars World тури энди онлайн ўтказилади: Seedstars 9 ойлик дастури билан 100дан ортиқ маҳаллий онлайн тадбирлар ташкил қилган ҳолда 90дан ортиқ мамлакатлардаги бошланғич босқичда бўлган стартапларни излаб топиш мақсадида бутун дунё бўйлаб виртуал саёҳат қилади.

Ҳар бир мамлакат голиби инвесторлар, менторлар ва корпорациялар билан боғлайдиган бешта минтақавий онлайн мусобақалардан бирига бориш имкониятига эга бўлади. Минтақавий голиблар, шунингдек, апрел ойида бўлиб ўтадиган “Grand Final”да ўз мамлакатлари номидан иштирок этиш ва \$500,000 инвестиция учун курашиш имкониятига эга бўладилар.

Жорий йилда танлов саралашда ривожланаётган мамлакатларнинг 94 шахридан бўлган стартаплар иштирок этиши мумкин.

Аризалар 31 июлга қадар қабул қилинади.

Камда 1800та стартап Online Seedstars Academyда иштирок этади, ҳар бир шахар голиби танловнинг минтақавий босқичига ўтади. 2021 йил апрел ойида ҳар бир минтақадан танлаб олинган стартаплар глобал финалда баҳс олиб боради.

Online Seedstars World Competition 2020/21 Ўзбекистонга онлайн форматда қайтади ва мамлакатнинг барча манфаатдор стартапларига рўйхатдан ўтишни ва танловга қўшилишни тақлим этади. Эслаб ўтатиш, Seedstars куйидаги мезонларга жавоб берадиган технологик стартапларни изламоқда:

- MVPга эга (минимал ҳаётий маҳсулот);
 - фойдаланувчиларнинг бошланғич базаси;
 - мамлакат/шаҳарда давом этаётган операциялардаги иштирок;
 - 1 миллион доллардан ортиқ инвестицияга эга бўлмаган (ариза топширилган санага қадар).
- Танлов учун аризани Online Seedstars World Competition 2020/21 сайти орқали юборишингиз мумкин: <https://seedstars/20L252M>

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



ФАЗО

БИРИНЧИ АРАБ ЗОНДИ
МАРСГА УЧИРИЛДИ

2020 йилнинг 20 июлга ўтар кечаси араб мамлакатининг илк сайёраларо зонди Марс томон учирилди. “Умид” зонди бирлашган араб амирликларига тегишли (америкалик мутахассислар билан яқин ҳамкорликда расалган).

Сайёраларо станцияни фазога японларнинг H-IIA ракета-ташувчиси олиб чиқди. Ракетанинг ўзи ҳам Япония худудидан учирилди.

Режага кўра, зонд Марсга 2021 йилнинг феврал ойида етиб боради.

“Умид” (EMM — Emirates Mars Mission) “Қизил сайёра”ни орбитадан ўрганади — модулда қўниш функцияси йўқ.

Зонднинг массаси — 1350 килограмм, катталиги, қуёш батареялари ёйилганидан сўнг, 3x7,9 метр.

EMMнинг асосий вазифаси Марс атмосферасини ўрганишдир.



СМАРТФОНЛАР

SAMSUNGNING ЭНГ ЗҲР
БАТАРЕЯЛИ ВА АРЗОН
СМАРТФОНИ ҲАҚИДАГИ
ТАФСИЛОТЛАР ИНТЕРНЕТГА
ЧИҚИБ КЕТДИ

Яқинда, 30 июл кунини арзон ва батареяси кучли Samsung Galaxy M31s смартфонни тақдимоти бўлиши керак эди. Аммо 6000 мАс сифимли аккумуляторга эга қурилма маълумотлари тақдимотга ҳам маълум бўлиб улгурди — ҳаммаси интернетга чиқиб кетди.

Google Play Console маълумотлар базасида пайдо бўлган маълумотлардан ҳам кўп нарсаларни билиб олса бўлади. Масалан, Galaxy M31s смартфонини “Exynos 9611” процессорида ишлайди, оператив хотираси — 6 Гб, доимий хотираси — 64 Гб.

Стартада Android 10да тақдим этиладиган бу қурилма, катта эҳтиол билан, Android 11гача янгилашиши мумкин.

Қолаверса, асосий камераси — 64 Мп, бу 3 миллион сўм атрофидаги смартфон учун ёмон кўрсаткичмас.



ҚУВВАТ МАНБАИ

СМАРТФОНЛАР ҚУВВАТЛАГИЧЛАРИНИНГ ХАВФЛИ ЖИҲАТИ ОЧИЛДИ

Ҳадемай Xiaomi 100 ваттли тезкор қувватлагичга эга смартфонини тақдим этади, яқинда эса Realme худди шундай смартфонни (фақат уники 125 Вт) билан таништирганди. Шундай янгиликлар чиқаётган бир паллада киберхавфсизлик билан шуғулланувчи Tencent Security Xuanwu Lab компанияси смартфонлар қувватлагичларининг хавфли жиҳати кўрсатилган далилни илгари сурмоқда.

Киберхавфсизликнинг аккумуляторга нима алоқаси бор?

Компания мутахассислари ҳисоботида келтирилишича, хакерлар мабодо “BadPower” (шартли ном) ҳужумини уюштирса юз миллионлаб қурилмалар хавф остида қолади. Экспертлар 35 хил қувватлагич адаптери, ташқи аккумуляторлар ва бошқа турдош қурилмаларни синаб кўришди. Уларнинг 18таси хавфсизлик талабларига жавоб бермади. Булардаги заифлик орқали хакерлар смартфон, планшет ёки ноутбукларга ортиқча токни йўналтира оладилар. Бу ҳатто қурилманинг ёниб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Энг ёмони, “BadPower”ни масофадан уюштириш мумкинлиги. Бунда қурилмада тезкор қувватлашнинг қайси технологияси қўлланаётганининг аҳамияти ҳам қолмайди. Ҳамма gap USB-порт орқали қувватлагич адаптери микрокодни ўзгартириб қўйиш имкониятининг мавжудлигида. Шу боисдан ҳам мутахассислар ўз смартфонингиз, планшетингиз ёки ноутбукингиз қувватлагичларини беғоналарга бермасликни тавсия қилишмоқда.



3D

КОИНОТНИНГ ЭНГ КАТТА УЧ ЎЛЧАМЛИ ХАРИТАСИ ТУЗИЛДИ

eBOSS халқаро лойиҳаси астрофизиклари Коинотнинг энг улкан уч ўлчамли харитасини тузишди. Бу ҳақда SDSS лойиҳаси матбуот хизмати хабар берди.


Олимларнинг айтишларича, уларнинг беш йиллик тинимсиз меҳнати Коинотнинг 11 миллиард йиллик номаълум тарихини очиб берди.

Уч ўлчамли харита Коинот тузилишига янада аниқлик киритган: “фазовий тўрлар” акс эттирилиб, уларнинг орилиқларидаги Коинот яралганидан кейинги тах-

минан 380 миллион йиллик бўшлиқ тўлдирилган. Энди астрофизиклар Коинот кенгайиши баробарида галактикалар қандай тақсимланганини билишади.

Ушбу маълумотларни космологиядаги номувофиқлик ҳам тасдиқлайди: уч йил аввал Коинотнинг кенгайиш тезлиги ҳақида маълумотлар чоп этилганди, ўшанда “Планк” телескопидан олинган маълумотлар ва “Ҳаббл” обсерваторияси маълумотларидаги тафовут 9 фоизни ташкил этганди.

Оксфорд университети астрономи Ева-Мария Мюллернинг таъ-



кидлашича, “фақат ҳозирги уч ўлчамли харита ёрдамидагина Ҳаббл доимийси ўлчовларида номувофиқликлар борлигини аниқлаш мумкин”.

СИЁСАТ

HUAWEI САНКЦИЯЛАРДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШИ МУМКИН?

Британ нашри — The Guardian қандай шароитда Huawei компанияси санкциялардан халос бўлиши мумкинлигини ёзди.

Газета манба сифатида The Observerда ёритилган ҳисоботи келтирди. Унда баъзи британ амалдорлари Huawei вакиллари билан музокаралар олиб боргани айтилади (эслатиб ўтамыз, хитойликлар компаниясига бу мамлакат миллий 5G-инфратузилмасини қуриш ишлари тақиқланган).

Бу суҳбатдан уқиш мумкинки, қачонки Доналд Трамп АҚШ президентлиги сайловларида ютқазсагина Huawei ўзига қўйилган чекловлар занжиридан халос бўлиши мумкин.

Маълумот учун: мамлакатда 5G-тармоқ қуришга Huaweiни қўймаслик тўғрисидаги қарор 2020 йилнинг



ўрталарида — бир ҳафта илгари қабул қилинган. АҚШ эса компанияга санкция қўллашни 2019 йилнинг май ойидан бошлаган.

ИЛОВАЛАР

БАРЧА РЕКОРДЛАРИНИ ЯНГИЛАГАН ZOOM БИРИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚИБ ОЛДИ

Коронавирус пандемияси даврида Zoom видеоконференциялар сервиси жуда оммалашиб кетди.

Sensor Tower таҳлил компаниясининг янги ҳисоботида акс этирилишича, Zoom иловаси жорий йилнинг иккинчи чорагида App Store иловалар дўконидан юқлаб олинishi буйича олдинги барча рекордларни янгилаган. Унга ҳатто ёшлар орасида оммалашиб бораётган TikTok ҳам бас кела олмаган! Ҳисобот даврида бу видеоконференциялар иловасини АҚШнинг ўзида 90 миллион мартадан ошдиқ юқлаб олишган.



Таъкидлашишича, Zoom пандемия шароитларида масофадан ишлашга утилгани боисдан оммалашган ягона илова эмас. Саломатлик ва фитнес иловалари, шунингдек, бизнес йўналишидаги ва турли кўнгилочар сервисларининг иловалари ҳам янада кўпроқ юқ-

лаб олинган. Саёҳат ва спорт, навигация йўналишидаги иловаларнинг кўчириб олинishi, аксинча — пасайган.

2020 йилнинг иккинчи чорагида умуман иловаларнинг юқлаб олинishiда ҳам рекорд қайд этилган. Ўрни, дунё бўйлаб жами 37,8 миллиарддан ортиқ юқлаш кузатилган, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,7 фоизга юқоридир. Айтиш керакки, бунда App Storeдан ўрнатиб олишлар 22,6 фоизга ошиб, 9,1 миллиардга етган. Google Play каталогидан кўчириб олишлар эса 34,9 фоизга ўсиб, 28,7 миллиардлик кўрсаткич қайд этилган.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

БРИТАНИЯ РОССИЯ НИШОНИДА...МИ?

Қарийб бир ярим йил олдин тугалланган "Россия ҳисоботи" жамоатчиликлка очиқланди

Британия Парламентининг Разведка ва хавфсизлик қўмитаси бу ҳужжатни энди ошкор этди. Унда Россиянинг Буюк Британияга соладиган хавф-хатар тафсилотлари ва қўрилган қарши чоралар ҳақида сўз кетади.

Ўтган йилги сайловга Россия аралашгани ҳақида айбловлар янграган, аммо Кремл буни рад этганди. Ҳисобот, асосан, жосулик маълумотлари ва мустақил таҳлилчилар берган маълумотларга асосланган. Унда Британия ва унинг иттифоқчиларига қарши Россия олиб борган жосулик ҳамда кўпуровчилик ҳаракатлари ҳақида сўз боради.

Жосулик ва қотиллик

Ҳисоботда нафақат анъанавий жосулик ёки кибержосулик ҳақида сўз кетади. Унда Россия чет эллардаги ўз душманлари ортидан тушишга ва ҳатто ўлдиришгача боришга қанчалик иштиёқманд эканлиги ҳам таъкидланади. Масалан, 2018 йили Сергей Скрипалнинг захарланиши. Бу ҳодиса Британия ва Европадаги Москва изини кўрсатувчи ҳолатлардан бири, холос. Ҳисобот Россия яна Британиядаги сиёсий жараёнларга аралашгани эҳтимолига ҳам эътибор қаратади.

Россия жосулик агентликлари амаллари 2016 йилги АҚШ президентлик сайловида ўрин тутгани айтилади. Шу боис Британияда кўпчиликлни бир савол ўйлантиради: 2014 йилги Шотлан-



дия мустақиллиги референдуми ва 2016 йилги Брексит референдумида ҳам Кремлнинг қўли бўлганми?

Ўтган ҳафта Британия ҳукумати Россия ўйинчилари 2019 йилги сайловга аралашшига уринишганига ишонишларини айтишганди. Бироқ бу пайтга келиб, Россия бўйича ҳисобот аллақачон тайёр бўлганди.

Британия Россия нишониди

Ошкор этилган ҳужжатга биноан, Россия учун Британия ҳам Фарбдаги асосий нишонлардан биридир. "Бизга келадиган хавф-хатар бевосита Россияга қўшни давлатлар каби эмасдир, бироқ гувоҳларимизга кўра, биз рўйхатда АҚШ ва НАТОдан кейин тураемиз" – дейилади Британия ҳисоботида. Бунинг сабаби эса

Лондон ва Вашингтон ўртасидаги яқин алоқалар билан изоҳланган.

Хабарларга кўра, Кремл вакиллари ҳисоботдаги айбловларни рад этишган. "Россия ҳеч қачон дунёдаги ҳеч бир давлатнинг сайлов жараёнларига аралашмаган: на АҚШнинг, на Буюк Британиянинг, на бошқа бирон давлатнинг. Биз бундай йўл тутмаймиз ва бошқа давлатлар ҳам бизнинг сиёсий ишларимизга аралашшига тоқат қилмаймиз", – деган Россия президенти матбуот котиби Дмитрий Песков.

Ҳисобот Британия ҳукумати Россия таҳдидларига қарши етарлича жавоб қайтарганим, деган саволга ҳам жавоб излайди. Ҳали 2006 йили Александр Литвиненконинг ўлдирилишига нисбатан заиф жавоб берилишини кўплаб кузатувчилар жиддий хато, деб билишади. Нега Британия қатъий жавоб қайтар-

маган? Кўрсатма берган кузатувчиларга кўра, бунга сабаб – Россия таъсири ва пуллари кучи. Москва таъсири Британия жамиятининг муайян қатламларига сингиб кетган. Хуқуқшунослар, банкирлар, молиячилар ва яна кўплаб бошқа касбдагилар Британияга оқиб келган Россия пуллари ортидан бойишган. Хусусан, мамлакатнинг молиявий юраги бўлмиш Лондон Ситида бу яққол кўринади. Шу асно Россияга қарши кескин чораларга ёки жазо қўллашга доим қарши чиқадиган таъсирли гуруҳ пайдо бўлган. Агар ҳисобот Россиядан келиб тушган сиёсий хайрия ё тушумларга эътибор қаратса, бунинг зиддиятли экани кўринади.

Ҳисобот Владимир Путинга яқин бир неча россиялик корчалонлар Британия сиёсий ҳаётига муваффақиятли интеграция бўлгани ҳақида эслатади. Ҳали ўтган декабрда сизиб чиққан маълумотларга кўра, Британияда иқтидорда бўлган консерваторларга бир неча россиялик ишбилармонлар донорлик қилгани ҳисоботга киритилиши кўтилганди. Аммо ҳисоботда ҳеч қандай исм келтирилмаган.

Айрим фикрларга кўра, айнан сиёсий хайриялар масаласи сабабли Даунинг Стрит айнан Россияга оид ҳисоботнинг ўтган декабрдаги сайловдан олдин чоп этилишига йўл қўймаган. Нима бўлганда ҳам Россия таҳдидларидан сўз қилувчи ҳисобот билан энди жамоатчилик таниша олади. Лекин ҳамма тафсилотлар билан эмас. Ҳисоботнинг айрим қисмлари ёки цензура қилинади, ёки таҳрир этилади. Шу қаторда, фақат расмийлар ўқишига мўлжалланган бошқа таснифдаги нусхаси ҳам бўлади.

УРУШ ГИРДОБИ: 100 МИНГ ЯМАНЛИК УЙИНИ ТАРК ЭТИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотига қараганда, Яманда жорий йил бошидан бери 100 минг киши тураржойини тарк этишига тўғри келган. Бунга эса хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар, куролли тўқнашувлар ва эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашгани сабаб бўлган.

ХМТ мутахассислари тайёрланган ҳисоботда Яманда қарийб олти йилдан бери давом этаётган низо қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келганига эътибор қаратилган. Мазкур мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалаётгани туфайли 30 мартдан 18 июлгача бўлган давр ичида 10 минг киши яшаш жойини узгартирган.

ХМТ раҳбари Криста Ротенштайнер Яманда турмуш шaroити ўта абгор аҳволда эканлигини таъкидлади. Унинг айтишича, Адан шаҳридаги касалхоналар коронавирус аломатлари кузатилаётган беморларни қабул қилмай қўйди.



РАМЗАН ҚОДИРОВ "ҚОРА РЎЙХАТ"ГА ТУШДИ

АҚШ Давлат котиби Майк Помпео душанба кuni АҚШ Чеченистон раҳбари Рамзан Қодиров ва унинг оила аъзоларига инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузганликлари учун виза санкцияларини киритишини маълум қилган. Бу ҳақда "ТАСС" хабар қилди.


"Рамзан Қодировга нисбатан инсон ҳуқуқларини бузиш бўйича айбловларини судда исботлаши керак, акс ҳолда бу тўхматдан бошқа нарса эмас", – деди Россия Давлат думаси (парламентнинг қўйи палатаси) ташқи ишлар бўйича қўмитаси раиси Леонид Слудский.

Расмий Кремл позициясини ҳимоя қилувчи журналистлар Қодировга нисбатан жорий қилинган санкцияларни унинг "ватанпарварлик позицияси" билан боғлаганлар. "АҚШнинг Чеченистон раҳбари Рамзан Қодиров ва унинг оила аъзоларига нисбатан шахсий санкцияларнинг қўлланилиши Америка маъмуриятининг яна бир бефарқ қадамидир. Уни қора рўйхатга олиш сабаблари асосиз", деди Слудский.

Чекловлар АҚШ ҳукумати томонидан коррупция ва инсон ҳуқуқлари бузилишларига алоқадор деб кўрилган одамларнинг мамлакатга киришини тақиқловчи қонунга мувофиқ қўлланилади.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИЛК ҲАРБИЙ СУНЬИЙ ЙЎЛДОШИНИ УЧИРДИ



Жанубий Корея ўзининг ядровий қўшниси Шимолий Кореяга қарши мудофаа қобилиятини ошириш мақсадида биринчи ҳарбий алоқа сунъий йўлдошини фазага учирди.

Жанубий Кореянинг Мудофаани қабул қилиш дастури маъмурияти (DAPA) сешанба кuni қилган баёнотида кўра, ANASIS-II сунъий йўлдоши АҚШнинг Флорида штатидаги Кейп-Канаверал ҳаво кучлари станциясидан 20 июл кuni маҳаллий вақт билан соат 17:30да учирилган.

Миллиардер Илон Маскга тегишли бўлган SpaceX хусусий ракета компанияси сунъий йўлдош кўтарилгандан 32 дақиқа кейин муваффақиятли учганини тасдиқлади.

Ҳозир Жанубий Корея ҳарбий алоқа сунъий йўлдошига эга бўлган дунёдаги 10 мамлакатдан бирига айланди. Мамлакат армияси синовдан сўнг ушбу тизимни октябрда ўз бошқарувида олади.

Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Надя МИРОНЮК



(Мистика)

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Хусусий детектив Лео Белани шатлар ташқарисида ҳам машхур эди. Ўзининг икки метрли сояси яққол кўриниб турадиган бир неча мураккаб жараёнларда ҳам ўз ишини моҳирлик билан бажара олган. Шу боис у жуда машхур ва қўл етмас шахсга айланган қолганди. Фақат Свэйзи сингари мактабдош дўстлари учун у ҳамон аввалгидек Лео-минора бўлиб қолган ва шубҳасиз қийин вазиятларда доим ёрдамга шай турарди.

Воқеа ҳақида Леога сўзлаб берганидан сўнг Свэйзи унга факс орқали иккита ҳикояни юборди. Эднинг қатъий ўй-фикрлари энди кўрқув билан чегараланган қизиқишга алмашганди.

Ярим соатдан сўнг Белани унга сим қоқди. Свэйзининг айтганларидан у карахт аҳволга тушиб қолганди. Ҳикояларда тасвирланган барча “тушуниб бўлмайдиган нохушликлар” ҳақиқий воқеликларга жуда мос эди. Бундан ташқари, муаллиф қаҳрамонларнинг ҳақиқий исм-шарифлари устида изланиш олиб борган ва полиция манфаатларига мос келмайдиган, оммадан сир тутилган маълумотлардан фойдаланган. Шунингдек, полиция содир бўлган барча воқеалар кимдир томонидан амалга оширилгани эҳтимолини бутунлай рад этган. Йўқолган машинани қидириш масаласида Лео Эдга кейинроқ кўнғироқ қилишга ваъда берди.

Белани билан суҳбат якунланганидан бир неча дақиқа ўтгач, Свэйзи хонасида яна телефон жиринглади.

– Жаноб Свэйзи. – Ғушакдан аёл кишининг ташвишли овози эшитилди. – Сизни муқаддас Патрик касалхонасининг турруқ бўлимидан безовта қиялпман. Қизингиз Мэри Свэйзи...

– Худойим, нима бўлди? – Эд стулдан сакраб турди.

– У реанимацияда. Аҳволи жуда оғир. Нимадир содир бўлишидан аввал сизга хабар беришга қарор қилдик...

– У билан ҳеч нарса бўлмаслиги

керак! Мени эшитинг! Кўлёмани чоп этишга топшираман! Унга шундай деб етказин!

– Қанақа кўлёмма? Жаноб Свэйзи, гап сизнинг қизингиз ҳақида кетяпти. – Аёлнинг овозида ажабланиш аломатлари сезилди.

– Мен ҳаммасини тушундим. Ўзим сизга кўнғироқ қиламан.

Стулдан дастлабки бешта ҳикояни юлқиб олдию Свэйзи хонасидан чопиб чиқиб кетди.

Чамаси икки соатлар ўтгач, барча мажбурий расмиятчиликларни тугатиб, ҳикоялар журналнинг яқин сонларида нашр этилишига ишонч ҳосил қилган Эд хонасига қайтиб кирди.

Сигарет тутатганча столга кўз югуртирди ва ўзини бутунлай ақлдан оздим, деган қарорга келди. Унинг йўқлигида столидаги кўлёмалар деярли икки баробар кўпайиб қолганди. Свэйзи уларга яна бир бор ҳайрон тикилди ва тахланиннг энг пастидаги ҳикояни тортиб олди. Қаршисидаги тумбада турган телевизорни ёқди ва кўлидаги бир неча қоғоз варагини маҳкам ушлаганча қотиб қолди. Журналист Мори Свибберг репортажида бундан йигирма дақиқа олдин Ленчер-стритдаги ўз уйи деразасидан кулаб тушган бир кекса аёлнинг фожиали ўлими ҳақида ҳикоя қиларди. Свэйзи кўлидаги ҳикоя “Ленчер-стритдаги кекса ялмоғиз” деб номланган ва телевизордаги репортажга бевосита боғлиқ эди.

– Эй худо, бу нимаси? – Свэйзи телевизорни ўчириб, бетоқат жиринглаётган телефонга югурди.

– Жаноб Свэйзи. – Унга таниш бўлган аёлнинг овозида энди тинчлик ва хотиржамлик бор эди. – Сизни муқаддас Патрик касалхонасининг турруқ бўлимидан безовта қиялпман. Табриклайман, сиз бобо бўлдингиз. Турруқ жуда муваффақиятли ўтди. Мэри ажойиб ўғил кўрди. У ўзини яхши ҳис қиялпти. Биз уни аллақачон оддий

палатага ўтказдик. Умид қиламанки, чақалоқ билан ҳам ҳаммаси жойида бўлади.

– Сиздан миннатдорман. – Свэйзи пешонасида бирдан пайдо бўлган тер томчиларини артди. – Катта раҳмат, мен барчасини уддалайман...

Ғушакдан қисқа сигналлар эшитилди.

Кун охирига бориб, ҳикоялар сони бир неча мингдан ошиб кетди. “Иблис” босма дастгоҳи узлуксиз ишларди. Уша пайтда мамлакатнинг барча телеканаллари асосий мавзуси бутун Шарқий соҳилни қамраб олган бахтсиз ҳодисаларнинг “миллий эпидемияси” бўлиб қолди. Хабарлар тафсилотлари телевизор кўришга журъат топганки одамни даҳшатга соларди.

Тун ярмида Свэйзи ниҳоят нима қилиш кераклигини тушунди. У ҳаётидаги энг сўнги сигаретини ёқиб, эшикни қулфлади ва чақмоқтошини қоғозлар тахламига тутди, хонасидаги барча қоғозларни оловга ташлай бошлади.

Ярим соатдан сўнг етиб келгач, “East Star Journal” бош муҳаррири Эд Свэйзи жасадини батамом ёниб кетган хонаниннг шундоқ эшиги олдидан топган ўт ўчирувчиларни ёнмай сақланиб қолган бир неча қоғозлар тахлами жуда ҳайрон қолдирди. Кўлёмаларнинг биринчи саҳифаси сув ва кўпикдан жиддий зарарланган бўлсада, йирик ҳарфларда битилган “East Star Journal”да ёнган деган сарлавҳани бемалол ўқш мумкин эди. Саҳифани варақламоқчи бўлган ўт ўчирувчи Макферсон кутилмаганда пайдо бўлган кучли ички кўрқув туфайли қўлини тортиб олди. Хонани тарк этар экан, Макферсон ортага ўгирилди ва қоғозлар тахлами бироз кўпайганини пайқайди. Парк-стрит 12даги бинодан чиқар экан, кўрган барча нарсалари унга мутлақо ишониб бўлмайдиганга ўхшарди.

Рус тилидан

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ таржимаси

“Сигарет тутатганча столга кўз югуртирди ва ўзини бутунлай ақлдан оздим, деган қарорга келди. Унинг йўқлигида столидаги кўлёмалар деярли икки баробар кўпайиб қолганди.”



МЕН КАСБИМДАН НИМАНИ ХОҲЛАЙМАН?

Телеграмда турли гуруҳлар бор. Масалан “Уй гуллари парвариши”, “Олий зотли паррандалар”, “Кўчатлар”... Мана шу гуруҳни юридадан гулчилар ёки товукбоқарлардан маслаҳат олиш учун савол берсангиз гулнинг нави тугузроқ билмайди, боқатган товугининг келиб чиқишини тугузроқ ўрганмаган бўлади.

Гулсеварми пулсевар?..

Икки мингга яқин аъзос бўлган гулчилар гуруҳида кўпчилик беш-олти йиллаб ўстираётган гулнинг номи, келиб чиқиши, қаерга яхшироқ мослаштириш ҳақида умуман маълумотга эга эмас. Бу бизда кўпчиликнинг ўз касбига фақат моддий томондан фойда олгани учун ҳам қизиқишини билдиради.

Қобил ака деган танишим бу борда ўзининг кузатувларини ўртоқлашди: “Баҳорда кўчат сотиб олиш учун бозорга бордим. Кўчат сотаётган ёши 40 лардаги йигитдан игнабаргли яшил арчасимон ўсимликни номини сўрадим. У кўчатнинг номини “китоб” деб айтди. Мен китоб деб аталадиган дарахтни умримда эшитмаганман, йигитдан “бу “туя” деб аталмайдими?” деб яна савол бердим. У ишонч билан “йўқ, бу туямас, буни номи китоб” деди. Бу “билагон”ни жавобига мийғимда кулдим-да йўлимда давом этдим. Яна бир кўчатчи олди-га 5-6та кўчатни қўйиб ёнига фундук ёнғоғини суратини остига “хундук” деб ёзиб қўйибди. Гул бозорига ўтдим, у ерда ҳам ўзини 15 йилдан бери гулчилик билан шуғулланамиз деяётган бириккитасига савол бериб кўрдим. Барглари семиз гулга “доллар дарахт” деб ўзбекча ном қўйвопти. Яна биридан ўзимга нотаниш ўсимликни номини сўрадим, уни номи “келинчак гул”миш. Бу ўсимликларни ватани қаер, қандай иқлим, қандай таркибли тупроқда ўсади, сувни кўп ичадими, оз ичадими, буларни билиш учун интернетга бу номларни ёзсангиз бунақа номли ўсимлик ва дарахтларнинг умуман мавжудмаслигини кўрасиз. Ўсимликларни номини тўғри билмаган одам унинг характери, у талаб қиладиган тупроқ шароити, қандай касалликларга чалиниши, даволаш учун ишлатиладиган препаратлар, витаминлар ҳақида қаердан маълумот олади? Ҳеч қаердан!”

Касбнинг келажаги қанчалик муҳим

Мана шу кунларда барча ёшларимизнинг кўнглида, талаба бўлишдек эзгу орзу бор. Кимдир ота-онаси касбини давом эттиришни хоҳлайди, кимдир ўзи

қизиққан касбини танлайди. Қайси касбни танлашни билмай, иккиланадиганлари ҳам топилади.

Дарҳақиқат, касб танлаш масаласида ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг ўқувчига тўғри йўл кўрсатиши унинг кейинги ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Агар маслаҳат ноўрин берилса... Масалан, ёшли-гида тарихчи бўлмоқчи бўлган абитуриент охириги лаҳзаларда фикрини ўзгартириши мумкин. Тарих факултетига одам кўп ҳужжат топшираётганини кўриб энг кам одам топширадиган факултетни кидирадиганлар бор. Бу касбнинг келажаги борми ёки меҳр кўя оладими бу масала иккинчи ўринда туради.

Бундай улоқиб ўқишга кирсам бўлди, олий маълумот олсам бўлди, дейдиганлардан келгусида қандай мутахассис чиқиши мумкин?

Ҳеч қачон иккиланманг

Психологларнинг фикрича, ўқиш жойида хато қилиш — бу энг ёмон нарсасиз эмас. Унга бардош бериш, оқим билан сузишда давом этиш ва кейинчалик ўзингизга ёқмаган нарсани қилиш ёмонроқ.

Мутахассисликни танлашда одатий хатолардан бири — ота-она танлаган касбга ҳаракат қилиш.

Баъзида ёшлар кўпроқ пул келтирадиган касбни танлашади. Бу қанчалик тўғри. Кўп пул топсаю касби унга завқ бермас...

Ҳар йили меҳнат бозорида янги касблар пайдо бўлади. 20 йил олдин ҳеч ким дастурчи, ҳайвонот боғи сартароши ёки гўзаллик блогери каби касблар ҳақида билмаган. Бугун бу касбларни олий даражада ўрганиб, севиб машҳур бўлаётган инсонлар бор орамизда.

Мутахассисларнинг фикрича “агар сиз қаерга боришни аниқ билсангиз, иккиланманг, ҳеч нарсдан қўрқманг ва

рақобат кам бўлган жойга борманг. Агар сиз истаган факултет юқори балли бўлса, сиз шунга ўхшаш мутахассисликни олишингиз мумкин бўлган бошқа ўқув юртларига назар солинг. Асосийси, умидсизликка тушмаслик ва вазиятни тузатишга ёрдам берадиган камидан иккита универсал ечим борлигини унутманг”...

Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди

Инсон ўзи севган касби билан шуғулланса, стресс ҳолатига кам учраши, ўз ишидан қониқиш, лаззатланиш инсон умрини узайтириши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Бир хил одамлар доимий диққат марказда бўлишга интилади. Бу истак уларни телевизор, сиёсат, мода олами, журналистика ва шоу-бизнесга олиб келади. Агар бу истак истеъдод ва меҳнатсеварлик билан қўллаб-қувватланса ўз натижасини беради. Агар истеъдод ва қизиқиш йўқ бўлса, дунё яна бир овозсиз қўшиқчини, ўрта медиада журналистни, асабий шоумени, нарцисстик сиёсатчини қабул қилади. Касбни севмасдан фақатгина шон-шухратга интилиш ижодий қобилиятларни “блочнолайди” ва шахсиятни йўқ қилади. Сўнгги йилларда ижодкорлиги йўқ ёшлар ёзувчи, актёр ёки қўшиқчи бўлишга интилоқдалар. Аммо бу интилиш уларга ҳеч нарса бермайди.

Қўллаб ўрта мактаб ўқувчилари амалдор, сиёсатчи ва депутат бўлишни хоҳлашади, чунки бу касблар пул, шон-шараф ва ҳокимиятга бўлган эҳтиёжларини қондиради, деб ўйлашади.

Оқибат шундай тугайдики, касбини севмаган бу одамлар ўзларида руҳий чарчоқлик, асабийлик сезади. Чунки улар касбидан завқ олиш ўрнига шон-шухратга эришолмаётгани изтиробга солади.

Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Фақат касб танлашда адашиш мумкин, халос. Баъзилар катта шаҳардаям ўзи танлаган касби бўйича иш тополмайди. Айримлар танлаган касби машаққатли бўлса-да, ҳеч қачон нолимайди, бир умр уша касбнинг фидойиси бўлиб қолади. Чунки у касбини ўзига мос тарзда танлаган. Ҳар бир ёш касб танлашдан олдин ўзига мана шу саволни бериб кўрсин: “Мен келажақдаги касбимдан нимани хоҳлайман?”

Барно СУЛТОНОВА



АЛОҚА СОҲАСИДА КАТТА ЙЎҚОТИШ

20 июл куни “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси капитал қурилиш бўйича директори Алишер Абдушукурович Абдуазизов оламдан ўтди.

Алишер Абдуазизов 1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда бошлаб, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси, Тошкент ахборот технологиялари университети, Республика ахборот-кутубхона маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида турли раҳбарлик лавозимларда фаолият олиб борган. Айни кунга қадар “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” капитал қурилиш бўйича директор лавозимида меҳнат фаолиятини олиб бораётганди.

Алишер Абдуазизов соҳа ривожига катта ҳисса қўшган раҳбарлардан бири бўлиб, масъулиятли, самимий, ўз касбининг устаси, жонкуяр ва фидойи инсон эди.

Утганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоятдаги барча алоқа ташкилотлари жамоаси соҳа меҳнат фойдаси Ортиқбой Оллабергеновга турмуш ўртоғи

Зулайхо ая ОЛЛАБЕРГЕНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди

Собиржон ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.


“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти жамоаси Сурхондарё филиали директори

Муҳиддин МАМАТҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Эълон!

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ф-сонли фармойишига асосан жамоат фонди ҳисоб рақамига 2020 йил 15 июлда “Radioaloqa, radioeshitirish va televideniye markazi” DUK томонидан 10 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди.

Маъмур маблағ “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда “Алоқа тарихи музейи”нинг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.



Хабарлашув иловаси бўлмиш Telegram бор-йўғи бир неча йил олдин чиққан бўлишига қарамай, анча чўққиларни забт эта олди. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам деярли барча ушбу хизматдан максимал фойдаланади.

Асосий рақиби WhatsAppни Facebook сотиб олиши билан, аслида, Германияда яратилган Telegramнинг фойдаланувчилари сони кескин ошиб кетди. WhatsAppга муваффақиятли муқобил бўла олган Telegram Павел ва Николай Дуровлар томонидан кашф этилган. Маълумот учун, Дуровлар Россиянинг энг катта ижтимоий тармоқларидан бўлган VKontaktening кашфиётчиси ҳам ҳисобланади.

Telegram ҳақида қисқача:

Веб-сайти: telegram.org;
Асос солинган санаси: 2013 йил, март;
Асосчилари: Николай ва Павел Дуровлар;
Штаб-квартираси: Лондон, Бирлашган Қироллик (қонуний қароргоҳи);
Оператив маркази: Дубай, БАА.

Куйида 2013 йилда яратилган Telegram ҳақидаги 13 саволга 13 жавобни келтириб ўтамиз. Келтирилган маълумотларнинг баъзилари бироз эскилигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз.

- 1. Telegram фойдаланувчилари сони қанча?**
2019 йил 19 августдаги маълумотга кўра, 365 миллион.
- 2. Telegram орқали кунга қанча хабар юборилади?**
2016 йил 23 февралдаги маълумотга кўра, 15 миллиард.

3. Ҳар бир фойдаланувчи кунга қанча хабар ёзади?

Назарий жиҳатдан, 150та.

4. Telegram рекламага қанча маблағ сарфлаган?
2014 йил 8 декабрдаги маълумотларга кўра, 0 доллар.

5. Telegramга ҳафтасига ўртача қанча янги фойдаланувчи қўшилади?
2014 йил 8 декабрдаги маълумотга кўра, 1 миллион.

6. Telegramга кунга ўртача қанча янги фойдаланувчи қўшилади?
2016 йил 23 февралдаги маълумотга кўра, 350 мингта.

7. WhatsApp Facebook томонидан сотиб олинганидан бир неча кун ўтиб қанча одам Telegramни юклаб олган?
8 миллион.

8. 2019 йил мартда Facebook ишламай қолган даврда Telegramга қанча янги фойдаланувчи қўшилган?
3 миллион.

9. Жанубий Кореяда қанча одам Telegramдан фойдаланади?
2014 йил 26 октябрдаги маълумотга кўра, 1,71 миллион.

10. Гонгконгда қанча одам Telegramдан фойдаланади?
2019 йил 1 августдаги маълумотга кўра, 1,7 миллион.

11. Бразилия WhatsAppни вақтинчалик блокланидан бошлаб кейинги 24 соат ичида Telegramга қанча янги фойдаланувчи қўшилган?
5,7 миллион.

12. Telegram фойдаланувчиларининг қанчаси Android қурилмаси ишлатади?
2017 йил 3 январдаги маълумотга кўра, 85 фоизи.

13. Telegram неча тилда мавжуд?
2019 йил 1 октябрдаги маълумотга кўра, 14та тилда.

СИНОАТ

122 Ёшли Момодан Узоқ Умр Кўриш Сирлари

Филиппиннинг Кабанкалан шаҳрида истиқомат қилувчи 122 ёшли аёл узоқ умр сирлари билан ўртоқлашди, деб ёзади Newsflare. Хўжакларга кўра, Франциска Сусано 1897 йил 11 сентябр куни дунёга келган. Айни вақтда Филиппин ҳукумати унинг ёшени текширяпти. Агар аёл ҳақиқатан ҳам XIX асрда туғилгани тасдиқланса, дунёдаги энг кекса аёл деб тан олинади.

Ўтмишда Сусано фермада ишлаган, унинг 14та фарзанди бўлган. Унинг айтишича, узоқ умр кўришига бутун умр янги сабзавот истеъмол қилиши ҳамда лаб гармошкасини чалиши сабаб бўлган – у ҳозир ҳам ҳар куни эрталаб уйғонган заҳоти лаб гармошкасини чалишни қанда қилмайди. Момо қовоқча, бақлажон ва илдизмеваларни, шунингдек, асални ёқтиради.




Япониянинг Фукуока шаҳрида истиқомат қилувчи 117 ёшли Канэ Танака дунёдаги энг кекса аёл деб расман тан олинган. У 1903 йил 2 январда туғилган. Буни кўплаб хўжаклар тасдиқлайди.

Узоқ умр кўриш бўйича умумэтироф этилган рекорд 1997 йилда 122 йил ва 164 кунлик ёшида вафот этган франциялик Жанна Калманга тегишли. Тадқиқотчилар унинг ёшига шубҳа билан қарашмоқда.

БУ ҚИЗИҚ

ТОШ ҲАМ ГУЛЛАЙДИ

Тирик тош ҳақида эшитганми-сиз? Бу тошнинг номи Литопс бўлиб, у ҳатто гуллайди ҳам.



Олимпларнинг ҳисоб-китобларига кўра, океан тубида жами 20 миллион тонна соф олтин бор экан. Ер юзи аҳолиси эса шу кунга қадар атиги 161 тонна олтинни қазиб олишга улгурган холос.

1908 йилда Нью-Йоркдаги оммабоп газеталарнинг бирида "Соч шампуни қандай ишлатилади?" сарлавҳали мақола чоп этилган. Айни ўша даврларда одамлар сочларини шампунда қандай ювиш мумкинлиги ҳақида билмас эдилар.

Европа мамлакатлари орасида Британияда энг кўп семизлик даражаси кузатилади. Ҳар тўртинчи одамдан бири семизликдан қийналади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмоновжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўлажал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-757 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 3959 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99